ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan | 2004-yil, 20-fevral, 8 (597)-son | Sotuvda narxi erkin

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

● ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 февраль куни Оқсаройда Японияниинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Каватони қабул қилди.***

● Матбуотда "Б.А.Матлюбовни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

● ***Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда талабалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари иштирок этди.***

● Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасида 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси ва ҳуқуқий асослари мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● ***Тошкентда Экспортчи ва сармоядорларга кўмак кўрсатиш маркази – "POYTAXT-EKSPORT" томонидан "Ташқи иқтисодий фаолиятда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар роли ҳамда Ўзбекистон Республикаси божхона ва солиқ қонунчилигидаги ўзгартишлар" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда халқаро ташкилотлар, ваколатхоналар, қўшма ва хорижий корхоналар, хусусий ҳамда давлат хўжалик субъектлари, кичик бизнес ва ОАВ вакиллари иштирок этди.***

● Ўзбекистон Республикасининг Ригадаги элчихонасида "Нур" — Латвия-Ўзбекистон жамияти ёшларининг якшанба мактаби очилди. Мактабнинг биринчи машғулотини Ўзбекистон элчиси Қобилжон Назаров ва "Нур" жамиятининг раиси Олим Абдусаидов ўтказди.

● ***"Экосан" халқаро хайрия жамғармаси Меҳр-мурувват йилида яна бир хайрли ишга қўл урди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Эндокринология институтига қандли диабет касаллигига чалинган беморлар учун бир миллион сўмликдан зиёд мурувват ёрдами топширилди.***

КАСАЛИНИ ЯШИРСАНГ...

Сифат йиғилишида кўтарилган баъзи камчилик ва муаммолар хусусида

Телекоммуникациялар тармоғининг ўтган йилдаги иш сифатини сарҳисоб қилар эканмиз, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишида Президентимиз Ислом Каримов: "Кейинги йилларда ахборот ва коммуникация технологиялари, телекоммуникация соҳаларида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Қисқа вақт ичида мамлакатимизнинг исталган нуқтасида тезкор ва ишончли телефон алоқасини таъминлайдиган кўп тармоқли коммуникация алоқа тизими ташкил этилди. Бугунги кунда республика шаҳарларини рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиш даражаси 86 фоизга етгани ҳам шундан далолат беради. Барчамизга маълумки, аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш даражасини янада такомиллаштириш халқаро Интернет тизимига кенг миқёсда уланиш билан бевосита боғлиқдир. Бу борада ҳам охирги йилларда ҳавас қилса арзийдиган ўзгаришлар рўй бермоқда. Биргина 2003 йилда Интернетдан фойдаланувчилар сони қарийб икки баравар кўпайди ва бугун ахборот хизматининг ушбу туридан мамлакатимизнинг ярим миллиондан ортиқ аҳолиси фойдаланмоқда. Интернет-клублар ва кафелар сони ҳам икки баравар ортди", дея таъкидлаганини эслатиб ўтиш жоиздир. Дарҳақиқат, бу борада сезиларли ишлар амалга оширилди. Бироқ соҳада амалга оширилаётган ишларга танқидий назар ташлайдиган бўлсак, ютуқлар билан бирга камчиликларимиз ҳам етарли эканлигига амин бўламиз.

Масалан, "Шаҳарлараро ва халқаро алоқа тармоқларини бошқариш маркази" томонидан 2003 йилнинг ҳар ойида технологик жараёнларнинг бузилиши тўғрисида ҳамда ижарачиларга кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича тақдим этилган маълумотлар таҳлил қилинганида, 64та ҳолатдан олтитаси электр таъминоти, саккизтаси кабел ўғирликлари билан боғлиқ эканлиги, қолган тўхташлар эса мутахассислар малакасининг етарли эмаслиги, техник ўқув машғулотларининг талаб даражасида олиб борилмаётганлиги, техник қурилмаларда ўз вақтида профилактика ишлари ўтказилмаганлиги, кабелларга сув кириши натижасида коррозия ҳолати пайдо бўлиши каби сабаблар техник эксплуатация қоидаларининг бузилиши оқибатида юзага келганлиги маълум бўлди. Шунингдек, олтита техник тўхташлар сабаблари ҳанузгача аниқланмаган. Ушбу камчиликлар юзасидан кўрилган чораларга тўхталадиган бўлсак, 64та ҳолатдан бор-йўғи 12таси бўйича айбдор шахсларга нисбатан жазо чоралари кўрилган. Бу эса бошқарув ишида назорат ва масъулиятнинг етарли эмаслигидан далолатдир.

Алоқа хизматлари сифат кўрсаткичлари борасида эса ўтган йил мобайнида "Тошкент телеграф телефон станцияси" томонидан АМТСга кириш ва чиқиш йўналишлари бўйича олинган маълумотлар таҳлил қилиниши натижасида ушбу йўналишда сифат кўрсаткичлари энг паст бўлган вилоятлар аниқланиб, камчиликларни бартараф этиш ва қайта такрорланишига йўл қўймаслик чоралари кўрилди.

Сифат кўрсаткичларининг ўзгармасдан паст даражада қолаётганлигига вилоят маркази билан туманлар ва АТСлар орасидаги боғланиш линиялари ва каналларининг етишмаслиги ёки носозлиги, туманлардаги АТС ускуналарининг техник меъёрларга жавоб бермаслиги ҳамда иш сифатининг пастлиги, жойларда таъмирлаш-профилактика ишлари ўз вақтида ўтказилмаслиги сабаб бўлмоқда. Шунингдек, мутасадди раҳбарларнинг ишни тўғри ташкил этишга жиддий эътибор бермасликлари ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Агентлик, "Ўзбектелеком" АК ва Давлат алоқа инспекцияси раҳбар ходимлари томонидан 2003 йилнинг июл ойида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятларининг телекоммуникация корхоналарида ҳамда "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалларида истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва телекоммуникациялар воситаларининг техник ҳолати бўйича ўтказилган ўрганиш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан жойларда белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишига доир қилинган ишлар таҳлил қилинди. Унга кўра филиалларда режа-тадбирларнинг бажарилиши бўйича олиб борилган ишлар етарли даражада эмас.

Изланган имкон, изланмаган баҳона топар деганларидек, "Хоразм Телеком" филиалининг Хива телекоммуникациялар боғламасида бешта магистрал кабелларни доимий қуруқ ҳаво босими остига қўйиш, "Фарғона Телеком" филиалининг Қува телекоммуникациялар боғламасида алоқа линияларини таъмирлаш ишларининг тўлиқ бажарилиши пайсалга солиниб келинмоқда. Риштон боғламасида захирадаги ДГАларни иккита аккумулятор билан таъминлаш, 82та хавфли кесишмалардан 68тасини бартараф этиш, учта магистрал кабелларда ҳаво сарфини меъёрга келтириш, Олтиариқ боғламасида кабеллар муфталарини беркитиш ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

(Давоми 2-бетда.)

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ

Мамлакатимизда компютерлаштиришни ривожлантириш, АКТни жорий қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда республикамиз олий ўқув юртларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида газетамизнинг 5 – 13-саҳифаларида берилаётган махсус иловада ўқишингиз мумкин.

ФИЛАТЕЛИСТЛАР ЙИҒИЛИШИ

2002 йилнинг ноябр ойида "Ўзбекистон почтаси" давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида филателистлар ташаббускор гуруҳининг конференцияси бўлиб ўтган ва унда "Ўзбекистон филателистлари жамияти"ни тузиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Аммо айрим сабабларга кўра жамиятни тузиш ишлари кечикаётганди.

"Ўзбекистон филателистлари жамияти"нинг Устав лойиҳаси бир неча бор кўриб чиқилиб, рўйхатдан ўтказиш учун Республика Адлия вазирлигига топширилди ва 2004 йилнинг 8 январида рўйхатдан ўтказилди.

Шу муносабат билан жорий йилнинг 14 февраль куни филателистларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директори Р.Зикиров иштирок этди.

Тадбирда филателистларнинг вазифалари ва келгусида қилинадиган ишлар ҳақида, жумладан, тез орада Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида ҳам филиаллар ташкил этиш ҳақида сўз юритилди.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилиб, жамиятнинг беш кишидан иборат бошқарув кенгаши ва уч кишидан иборат тафтиш комиссияси тасдиқланди. "Ўзбекистон почтаси " ДАК бош директорининг биринчи ўринбосари Р.Турғунов "Ўзбекистон филателистлари жамияти" раислигига, филателист Э.Ҳамидов раис ўринбосарлигига сайланди.

Ўз мухбиримиз

КАСАЛИНИ ЯШИРСАНГ...

Сифат йиғилишида кўтарилган баъзи камчилик ва муаммолар хусусида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Баъзи бир мутасадди раҳбарларнинг лоқайдлиги оқибатида Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги АТСдан чиққан 90 фоиз, яъни учта ТПП-600, иккита ТПП-500 ва иккита ТПП-100 русумли, жами 3000 сиғимли магистрал кабеллар ер ўпирилиши натижасида уч ойдан ортиқ вақт мобайнида сув остида қолган.

Яқинда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида "Телекоммуникация тармоғининг ишлаш сифати бўйича 2003 йил иш якунлари"га бағишлаб ўтказилган селектор йиғилишида юқорида қайд этиб ўтилган камчиликларга йўл қўйган ва ўз хизмат вазифаларига лоқайдлик билан ёндашган "Ўзбектелеком" АКнинг "Андижон Телеком" филиали Пойтуғ (Х.Холматов), Балиқчи (Х.Қодиров), Пахтаобод (И.Назаров), "Бухоро Телеком" филиали Жондор (Р.Расулов), Қоровулбозор (А.Ортиқов), Шофиркон (Н.Жалилов), "Қашқадарё Телеком" филиали Ғузор (Н.Ҳаққулов), Касби (И.Ражабов), Бешкент (Т.Маматов), "Навоий Телеком" филиали Нурота (А.Боқиев), Янгирабод (С.Исамединов), Зарафшон (А.Абдураҳмонов), "Хоразм Телеком" филиали Янгиариқ (Қ.Бикметов), "Тошкент Телеком" филиали Оққўрғон (М.Исмоилов), Дўстобод (Ғ.Олимов), Тўйтепа (А.Абдуғаниев), Паркент (З.Назиров), Бўка (Ҳ.Абдиев), Зафар (С.Жўрабоев), Келес (Э.Юсупов), Бекобод (М.Қамбаров), Олмалиқ (С.Мақсумов), "Қорақалпоқ Телеком" филиали Чимбой (Х.Хожанжаров), Манғит (А.Шамуратов), Кегейли (Б.Кўнградбаев), "Жиззах Телеком" филиали Мирзачўл (Ш.Мамадалиев), Дўстлик (Ҳ.Бозоров), Пахтакор (А.Тоғаев), "Сирдарё Телеком" филиали Ширин шаҳар (А.Умаров, А.Жуманов), "Самарқанд Телеком" филиали Пайшанба (Н.Ҳамроев), Ургут (Н.Хушназаров), Лойиш (Х.Ҳолиқов), "Сурхондарё Телеком" филиали Учқизил (М.Раимов), Қарлуқ (Й.Мелмуродов), Сариосиё (Б.Жафаров), "Фарғона Телеком" филиали Сўх (А.Шеров), Фурқат (М.Ғозиев), "ТШТТ" филиали Марказий (А.Исмоилов), Мирзо Улуғбек (Р.Нурмуҳамедов), Чилонзор (А.Набиев), "ТошТТС" (С.Шукуров), "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали ШМАТБ-5 (И.Ермаков), ШМАТБ-9 (Х.Баркалиев), "ЎзИ Жиззах" (Б.Эргашев, В.Исмоилов), "ЎзИ Самарқанд" (Г.Ли, Р.Рашидов) филиаллари ва туман телекоммуникациялар боғламалари раҳбар ходимларига нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилиши ҳамда камчиликларни бартараф этиш юзасидан Давлат алоқа инспекцияси доимий назоратни олиб бориши таъкидлаб ўтилди.

Бундан ташқари, ҳар бир телекоммуникациялар корхоналари ўзлари томонидан эксплуатация қилинаётган мавжуд аналог қурилма, линия ва трактларни белгиланган меъёрларга асосан сифатли ишлашини, мавжуд магистрал кабелларни доимий қуруқ ҳаво босими остида ушланиши ва уларнинг герметиклик даражаси сақланишини, носоз дизел генератор ҳамда аккумуляторларни ўз вақтида таъмирлаб, сифатли ишлашини таъминлашлари зарур.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Корхоналар мутасаддилари ўз кучлари билан ҳал этиши мумкин бўлган ишларга қачонгача Давлат алоқа инспекцияси аралашиб, кўрсатмалар бермагунга қадар қўл қовуштириб ўтиришади? Агар мутахассис, раҳбар-ходим малакали, ўз ишига содиқ, масъулиятли ва тадбиркор, соҳа ривожини олдиндан кўра биладиган ишбилармон бўлса, бундай ҳолатлардан чиқиш йўлини албатта топа олади.

Республикада энг долзарб масалалардан бири – ҳар бир мутахассисдан Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш учун ўз соҳасида жон қойитиб ишлашнинг талаб этилишидир. Бу айнан "Ўзбектелеком" АК ва унинг филиалларига ҳам тегишли бўлиб, жаҳон телекоммуникациялар операторлари орасида ўз мавқеини кўтариш ҳамда истеъмолчиларга жаҳон андозалари даражасида тезкор, сифатли алоқа хизматларини кўрсатишда маҳорат ва юксак маданиятга эга мутахассислар тайёрлаш зарур. Ходимларга корхоналарда ташкил этилган ўқув марказларида ўз малакалари, касбий маҳоратларини мунтазам равишда ошириб боришлари учун имконият яратиш фойддан холи бўлмайди. Акс ҳолда, келажакда республикада соҳага сув билан ҳаводек зарур бўлган миллий кадрлар тайёрлаш масаласини ҳал этишда муаммолар юзага келиши муқаррар.

Мақоламизни Президентимиз сўзлари билан бошлаган эдик. Хулосамизда ҳам И.Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтиришни лозим топдик: "Ривожланган давлатларда ҳам иқтисодий ислоҳотлар доимий давом этишини кузатишимиз мумкин. Ахир, ҳаёт тўхтамайди, тараққиёт суръатлари доимий изланишни, бинобарин, ислоҳотларни талаб қилади..."

А.ГАЮПОВ,
ДАИ бошлиғининг
биринчи ўринбосари

БИР СЎЗЛИ ЙИГИТ

"Хоразм Телеком" филиали Урганч шаҳар телефон станциясида меҳнат қилаётган электромонтёр Пўлат Абдуллаев ёш мутахассис бўлишига қарамасдан нафақат ҳамкасблари, балки ўзига биркитилган ҳудуддаги мижозларнинг ҳам ҳурмат-эътиборини қозонишга улгурди. У ўн икки йиллик иш фаолияти давомида ўз касбини ардоқлаши ва унга виждонан ёндаша олишини намоён этди.

– **Шогирдимиз Пўлатжон** анча уқувли, қўлидан иш келадиган мутахассис бўлиб етишди, – дейди Урганч шаҳар телефон станцияси бўлим бошлиғи Кенжабой Матмуродов. – Иш кўлами кенг, ҳажми кўп бўлишига қарамасдан, чарчадим демайди. У шахсий ва кўпқаватли бинолардаги деярли 2,5 мингта телефон нуқтани назорат қилади ҳамда носозликларни ўз вақтида бартараф этишга улгуради. Шахсий уй-жойларда ҳар 800 нуқтага битта участка электромонтёри биркитилишини ҳисобга олсак, унинг ўз вақтида топшириқларни бажариб улгурганига гоҳо ўзимиз ҳам ҳайрон қоламиз. Айтилган ишни шу куннинг ўзидаёқ уддалайди ва ҳисобот беради. Бу бошқа электромонтёрнинг иши ёки эрта-кеч деб ўтирмайди. Бир сўзли йигит, ушлаган жойидан кесади.

Пўлат Абдуллаев ўз ҳудудидаги аҳволни беш қўлдай билади. Қайси хонадонга қайси кабелдан сим борганлигини-ю, хўжаликлардаги телефон симларининг қандай тармоқланиб кетганлигини кўзини юмиб ҳам топади. Бironта мижознинг телефони ишламай қолса, бир зумда етиб боради. Носозлик кабелда бўлса кабел пайвандловчилари гуруҳини кутиб ўтирмасдан ўзи тузатишга киришиб кетади.

Мижозни маҳтал қилмай телефон аппаратини ҳам хонадоннинг ўзида созлаб беради.

Қўли гул йигит хушмуомалалиги боис мижозлар билан ака-укадай бўлиб қолган. Қариялар бу чаққон монтёрни ҳар доим дуо қилишади. Агар у бир ой меҳнат таътилига чиқиб кетса, кўринмай қолди, деб мижозлар уни излаб келишади ва юзага келган носозликни Пўлатжонга тузаттиришга интилишади.

Унинг устозларидан бири, етакчи муҳандис Отахон Полвонов ҳам шогирдининг меҳнатга тиришқоқлигидан мамнун. Агар кўчаларда газ ёки сув қувурларини ётқизиш, йўлларни таъмирлаш-қазиш ишлари олиб борилаётган бўлса, кабеллар қаердан ўтганлигини кўрсатиб, ишчиларга эҳтиёт бўлишларини уқтиради. Кабелларни бехосдан узиб қўймасликлари учун назорат қилиб юради. Шунингдек, у жамоа ишларида ҳам фаол иштирок этади. Вилоят алоқачилари ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларида жамоасининг совринли ўринларни эгаллашида унинг ҳам ҳиссаси бор.

Ф.МУҲАММАДИЕВ
Хоразм вилояти

Суратда: Урганч шаҳар телефон станцияси етакчи муҳандиси **Фарҳод БОБОЖОНОВ ва электромонтёр Пўлат АБДУЛЛАЕВ.**

ALOQA KORXONALARIDA

ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

"Фарғона почтаси" акциядорлик жамиятида 2004 йил учун обуна ишларини юксак даражада ташкил этиш бўйича махсус дастур асосида қатор тадбирлар кўрилди. Натижада газета ва журналлар обунаси жами 240000 нусхани ташкил этди.

Бу йилги обунанинг ўзига хос жиҳатларидан бири сифатида ҳомийлар томонидан ташаббускорликнинг кучайтирилганини алоҳида эътироф этиш лозим. Айрим газеталар таҳририятлари раҳбариятлари билан ҳамкорлик ҳам тузуккина самара берди. Обуна ишларида фаол иштирок этган алоқачиларга ушбу газеталарнинг телевизор, велосипед каби қимматбаҳо совғалари ҳамда пул мукофотлари топширилди. Бешариқ филиалининг Бахмал, Ариқбоши, Қорақўйли ва Рапқон алоқа бўлимларидан Т.Сайдалиев, Т.Ҳожиев, Р.Набиев, Н.Кўчқоров ҳамда Р.Ойбобоевлар, Учқўприк туманидан Э.Исмоилов, Катта Қашқар ва Қирғиз алоқа бўлимларидан Н.Қурбонов ҳамда У.Мелиевлар қилган меҳнатлари учун муносиб тақдирландилар.

Газета ва журналларга келгуси ойлардан обунани расмийлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШАРОФАТИ

Ўтган йили Компютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш жамғармаси томонидан "Фарғона почтаси" АЖ учун компютер ва тармоқ ускуналарини сотиб олишга маблағ ажратилган эди. Шу муносабат билан корхона бошқаруви янги технологияларни жорий этишга катта тайёргарлик кўрди. Аввало, филиаллар бошлиқлари ва мутахассисларининг назарий ва амалий билим ҳамда тажрибалари ўрганилиб, семинар ўқувлари ўтказилди. Компютерчилар ўқув муассасаларида ўз малакаларини оширдилар. 2003 йилнинг ноябр ойида 23та компютер келтирилиб, барча шаҳар ва туман филиалларига тарқатилди.

Янги технологиялар корпоратив компютер тармоғи яратилишига, пенсия ва нафақаларни тарқатишнинг автоматлаштирилган ҳисоб-китоб ҳамда назорат тизими ўрнатилишига имкон беради. Пенсионерлар ва пенсия миқдорлари ҳақида маълумотлар тўплаш, банкларга буюртмалар бериш каби жараёнлар енгиллашиб, кўпол хатоликлар ва кечикишларнинг олди олинади.

Компанияга рақобатдош турли почта хизматлари кўрсатувчи операторлар фаолият олиб бораётган ҳозирги шароитда "Фарғона почтаси" АЖга янги технологиялар кириб келишининг қанчалар аҳамиятли эканлигини чамалаб кўриш мумкин. Қолаверса, компютерлар шарофати билан жаҳон почта хизмати тажрибаларини қўллашга имконият пайдо бўлди. Буёғи мутахассисларнинг тезкорлиги ва журъатига боғлиқ, албатта.

Ҳ.САЛЯҲОВА,
жамоатчи мухбиримиз

ЖОНКУЯР, ТАЛАБЧАН, МЕҲРИБОН...

Толиб ака Ҳакимов алоқа соҳасида узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган ҳамюртларимиздан. Унинг таржимаи ҳоли ҳам, меҳнат фаолияти ҳам кўпчиликка намуна. У Ромитан тумани марказидаги ўрта мактабни тугатгач, Тошкент алоқа политехникумида таҳсил олди. Бухоро шаҳар телефон алоқаси корхонасида муҳандис, вилоят линия-техника боғламасида тажрибали мутахассис сифатида фаолият кўрсатди. Роппа-роса 20 йил давомида халқаро телефон станциясига бошчилик қилган Толиб ака кейинчалик ўн йил мобайнида Бухоро вилояти алоқа бошқармаси (ҳозирги "Бухоро Телеком" филиали)да етакчи муҳандис вазифасида меҳнат қилди.

60-йилларнинг бошларини Толиб ака яхши эслайди. Ўшанда уни Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳридаги малака ошириш курсига юборишган эди. Кейинчалик, яъни 1987 йили, Т.Ҳакимов бир гуруҳ ҳамкасблари билан Москвада ўтказилган алоқа корхоналарида хавфсизлик техникаси бўйича иш олиб борувчи соҳа ходимларининг ўзига хос йирик анжуманида ҳам қатнашди ва бир олам таассуротлар билан қайтиб келди. У доимо янгичасига ишлашга интилди ва шунга эришди ҳам.

90-йилларнинг бошларида республикамиз пойтахти Тошкентда яна бир муҳим тадбир — хавфсизлик техникаси бўйича танлов ўтказилиб, унда Т.Ҳакимов бошчилигидаги бухоролик мутахассислар бош совринни қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Танлов якунлари эса кейинчалик ўзига хос мўъжазгина фотоалбомдан ўрин олди. Уни варақларкан, Толиб ака ўзининг ширин хотираларини, куч-қувватга тўла ёшлик давларини ёдга олади ва умрининг бесамар кечмаётганига қайта-қайта ишонч ҳосил қилади.

Мустақиллик йилларида барча алоқа корхоналарида бўлганидек, "Бухоро Телеком" филиалида рўй берган ижобий ўзгаришларни кўриб бир қувонса, тенгқурлари, ҳамкасблари, ёру дўстлари ва шогирдлари қаторида дориломон ҳаёт гаштини сураётганидан яна бир яйрайди. Умр пиллапоялари эса серқирра ва сирпанчиқдир. Сал эҳтиётсизлик қилинса борми, тойиб кетиш ҳеч гапмас. Ёши улуғ, устозлару меҳрибон кишиларнинг панд-насиҳатларию йўл-йўриқларига таянган инсон ҳеч қачон ҳаётда қоқилмайди. Толиб Ҳакимов ўз устозлари ўгитларига амал қилиб кам бўлгани йўқ. Алоқа соҳасининг фидойи заҳматкашлари, жаннати инсонлар — Александр Еровой, Ҳаким Абдурахмонов, Исрофил Чекидзе ва бошқаларни эслаб, улар билан бир сафда ишлаган йилларини хотирлаб, Толиб ака чуқур ўйга толади. "Руҳлари шод бўлсин, илоҳим", — дейди.

Дарҳақиқат, шу азиз ва табаррук инсонларнинг толмас меҳнатлари, издошларининг изчил фаолиятлари туфайли вилоят алоқа соҳасида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Катта ишларнинг бошида турган кишиларга замондош бўлгани учун Толиб аканинг қалби ҳам фахр-ифтихор туйғулари билан бугун лиммолим. Шогирдларидан эса кўнгли тўқ, улар ўз иш жойларида Ватанга садоқат билан меҳнат қилишмоқда. Эндиликда алоқа муҳандислари Фармон Мирзаев, Абдукарим Ҳасанов ва бошқа бир қатор малакали мутахассислар ҳам, Толиб аканинг фарзандлари Баҳодир, Бобир, қизи Мунаввар ҳам эл-юрт ишига камарбаста инсонлар сифатида ўзлари танлаган соҳаларда баракали иш олиб боришяпти.

Толиб Ҳакимовнинг кўп йиллик ҳалол меҳнатлари юқори ташкилотлар томонидан бир қатор "Фахрий ёрлиқ"лар билан тақдирланган. Қаерда ва ким бўлиб ишлашидан қатъи назар кундалик ишда жонкуяр, ўз қўл остида ишлайдиганларга талабчан, айни чоғда меҳрибон киши сифатида ўзини кўрсатиб келаётган Т.Ҳакимов кези келганда меҳр-мурувватини ҳеч кимдан дариғ тутмайдиган инсонлардан.

— Республикамизда 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинганлиги айни муддао бўлди, — дейди у. — Зотан, бир оғиз сўзга интиқ кўнгилларга малҳам бўлиш, улар оғирини енгил, узоғини яқин қилиш миллатимизга хос ажойиб фазилатлардандир.

Дарвоқе, республикамиздаги барча алоқа корхоналарида бўлганидек, "Бухоро Телеком" филиалида ҳам соҳада узоқ йиллар меҳнат қилиб, ҳозирги пайтда кексалик гаштини сураётган алоқачилардан — 93 ёшли Панжи бобо Бозоров, шунингдек, Раҳмон ота Муқимов, Сайфулло бобо Абдуллаев, Чори ота Қурбонов, Ремия ая Бобоева, Галим ота Мунапилов, Ўктам бобо Раҳимов, Ҳайдар ота Усмонов сингари пиру бадавлат инсонларни йўқлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, бир пиёла чой баҳонасидаги дилкаш суҳбатларни ташкил этиш яхши анъанага айланиб қолган. Таъкидлаш жоизки, айни пайтда филиал хўжалик бўлимининг бошлиғи сифатида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган Толиб ака Ҳакимов ҳам бу эзгу ишларга бош-қош. Ҳамюртларига, ҳамкасбларию барча ёру дўстларига доимий эзгулик ва яхшилик тилагувчи бу камтарин ва самимий инсоннинг ўзига ҳам мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаб қоламиз.

А.ИСТАМОВ
Бухоро вилояти

ALOQA OLAMIDA

SMS ВОСИТАСИДА ҲАМКОРЛИК

Германия Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига янги хабарчиларни ёрдам учун жалб этишга қаратилган дастурни амалга жорий қилишга киришди. Эътиборли томони шундаки, барча савол ва жавоблар SMS шаклида оммавий уяли телефон тармоқлари орқали узатилади.

Айни пайтда дастур етарли даражада ишлаб бўлинди: 2002 йил сентябридан бошлаб у Германиянинг турли ҳудудларидаги 11та полиция бўлимида синовдан муваффақиятли ўтди.

Муайян рўйхатдан ўтган кўнгиллиларгина дастур доирасида иштирок этишиб, шубҳали шахслар ва воқеалар ҳақида полицияга хабар бериб боришади.

Полициянинг фикрича, жамоат транспорти ва такси ходимларини, шунингдек, одамлар билан кўп мулоқот қилинадиган соҳа вакилларини SMS-даракчилар сифатида жалб этиш яхши натижа беради.

COMCAST УМИДВОР

Walt Disney компанияси акциядорлари Comcast корпорациясининг қўшилиш тўғрисидаги таклифини рад этишди. Эслатиб ўтамиз, Comcast Америкадаги йирик кабел телевидениесининг эгаси ҳисобланади. Walt Disneyни қўшиб олиш уни АҚШдаги энг йирик кўнгилочар телевизион контент етказиб берувчисига айлантириши мумкин эди. Walt Disney раҳбариятининг бу таклифни рад этиш эҳтимоли мавжудлиги сабабли компания акциялари назорат пакетини сотиб олиш орқали мақсадга эришиш кўзда тутилганди.

Comcast раҳбарияти Walt Disney компаниясининг ҳар бир акцияси учун 23 АҚШ доллари таклиф қилганди. Бироқ ўтган ҳафта охирида ниҳоясига етган биржа савдоларида ушбу акциялар курси 26,92 долларни ташкил этди. Табиийки, Walt Disney раҳбарияти Comcastнинг таклифини қабул қилмади ва компания рад жавобини беришни лозим топди.

Comcast вакиллари музокаралар давомида ўзлари таклиф қилган нарх Walt Disney акцияларининг ҳақиқий қийматини белгилаб берганлигини таъкидлашган. Бу ациялар нархининг ошиб кетишига эса AOL ва Time Warner бирлашганидан буён (2000 йил, сентябр) амалга ошириш мўлжалланаётган энг йирик битим сабабчи бўлган. Яқин орада харидорлар топилмаса Walt Disney акциялари курси ўз-ўзидан тушишни бошлайди. Ўшанда Comcast раҳбарияти Walt Disney акциядорларига яна мурожаат қилишса ажабмас.

РАДИО КЎРСАТАДИ

Жорий йилда Nokia компанияси Visual Radio деб аталувчи янги технологияни амалиётда қўллаб кўрмоқчи. Ушбу тизим FM- приёмникли мобил телефонлар эгаларига нафақат аудиосигналларни, балки баъзи визуал (тасвирий) ахборотларни ҳам қабул қилиш имкониятини беради. Масалан, мусиқий асар трансляцияси пайтида терминал экранида ижрочининг суратини, ушбу мусиқий албом муқоваси тасвири ёки қўшиқнинг матнини акс эттириш мумкин. Тизим, шунингдек, турли хил интерактив викториналар, танловлар ва бошқа кўнгилочар тадбирлар ўтказишда қўл келади.

Visual Radio технологияси бўйича ишловчи илк аппарат Nokia 7700 телефони бўлиши мумкин. Унга суюқ кристалли сенсорли дисплей ҳамда 20 Мб хотирага эга VGA-фотокамераси ўрнатилган бўлиб, у MP-3 файллар ишлаб чиқариш, график тасвирларни кўриш каби имкониятларни яратади. Келгусида Nokiaнинг FM-радиоли барча портатив қурилмалари орқали Visual Radio тизими билан уланиш амалиётга жорий қилинади. Шу ўринда эслатма: ҳозиргача сотувда бўлган радиоприёмникли аппаратларни (масалан, Nokia 8310ни) Visual Radio тизимида ишлатиб бўлмайди.

Nokia мутахассислари янги технология харидоргир бўлишига ишонч билдирмоқдалар.

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

КОМПАНИЯ — МОНОПОЛИСТ

MICROSOFT:
ГРАМОТНОСТЬ ДЛЯ БЕДНЫХ

Глава компании Microsoft Билл Гейтс объявил о начале совместного с ООН проекта по распространению компьютерных технологий и грамотности в развивающихся странах. В него будет вложено около $1 млрд. Для начала Microsoft предоставит программное обеспечение, преподавателей и деньги для компьютерных центров в Египте, Мозамбике и Марокко. В случае успеха этот проект будет осуществляться в других странах. В ходе пресс-конференции на Всемирном экономическом форуме в Давосе Билл Гейтс сказал, что эти центры необязательно должны использовать только продукцию Microsoft.

MICROSOFT:
ЗАПРЕТИТ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЗНАКА @ В ВЕБ-АДРЕСАХ

В готовящемся обновлении для браузера Internet Explorer будет запрещено использование знака @ в веб-адресах, сообщается на сайте Netcraft. Применение этого знака в URL позволяет мошенникам скрывать настоящий адрес сайта, на который направляется пользователь: тому видна только часть URL до знака @, которая не имеет ничего общего с реальным направлением.

Такой вид мошенничества используется и для получения личной информации о пользователе, в том числе, о номере его кредитной карты. Например, владельцу банковского счета присылается уведомление о необходимости внести некоторые изменения в свои данные на банковском сайте, а к письму прилагается ссылка. При открытии этой ссылки пользователь попадает на сайт мошенников, копирующий интерфейс оригинального ресурса. Введенная там личная информация приводит зачастую к крупным финансовым потерям.

ЕВРОСОЮЗ
ГОТОВИТСЯ ОБВИНИТЬ MICROSOFT В МОНОПОЛИЗМЕ

Источники в Еврокомиссии сообщают о том, что решение по делу о нарушении антимонопольного законодательства компанией Microsoft, скорее всего, будет принято в течение нескольких недель. Очень высока вероятность того, что решение Еврокомиссии будет не в пользу софтверного гиганта.

Проблема, поднятая в Евросоюзе, касается программы Windows Media Player. Еврокомиссия считает, что Microsoft нарушила антимонопольное законодательство, включив эту программу в поставку операционной системы Windows и, тем самым, значительно снизив шансы разработчиков альтернативных решений на честную конкурентную борьбу с софтверным гигантом.

НАВОДЯТ ТЕНЬ
НА ПЛЕТЕНЬ

Как следует из отчета Yankee Group, многие мелкие и средние компании испытывают тревогу по поводу своей зависимости от программного обеспечения Microsoft. В ходе исследования изучались ИТ-потребности 600 компаний со штатом менее 500 человек. 72% опрошенных компаний сказали, что они активно ищут способы ослабить доминирование продуктов Microsoft в своих бизнес-процессах, подбирая альтернативных поставщиков. Некоторые фирмы, по мнению аналитиков настороженно относятся к Microsoft из-за нашумевших судебных процессов, ширящегося движения open-source и лицензионной политики самой софтверной компании. Однако, Microsoft может улучшить свою репутацию среди мелких и средних предприятий, изменив лицензионную политику таким образом, чтобы малые фирмы получали существенные скидки, — как она уже сделала в сфере образования.

САМЫЙ БЕЗОПАСНЫЙ
БРАУЗЕР

В корпорации Microsoft считают, что браузер Internet Explorer ничуть не уступает в безопасности конкурирующим программным продуктам, а кое в чем и превосходит их. Об этом изданию ZDNet UK рассказал директор по безопасности британского подразделения софтверного гиганта Стюарт Окин. По его словам, ни в одном браузере не было заделано столько дыр, сколько в Internet Explorer. То есть в настоящее время безопасность браузера Microsoft значительно выше, чем год или два назад.

ЦИФРОВАЯ
ФОТОКАМЕРА

Компания Fujifilm представила новую фотокамеру FinePix S3 Pro, которая придет на смену модели FinePix S2 Pro. Новинка оборудована ПЗС-суперсенсором (SR) с 6 млн. эффективных пикселей, причем на каждый пиксель приходится по два фотодиода - S и R. Всего, таким образом, в матрице используются 6 миллионов R-пикселей и столько же S-пикселей, что теоретически должно обеспечить повышенную четкость и контрастность изображений даже тогда, когда съемка ведется в очень сложных условиях освещенности.

РУЧКА-ТЕЛЕФОН

На выставке CeBIT 2004, которая начнется 8 марта в Ганновере (Нижняя Саксония, Германия), Siemens собирается продемонстрировать мобильный GSM-телефон в виде пишущей ручки. Хотя это устройство выглядит довольно необычно, сама идея телефона-ручки не нова: в декабре 2003г. выпустила телефон такой конструкции китайская компания Haier. С виду оба телефона заметно отличаются друг от друга, а вот названия у них практически одинаковые: у Haire это Pen Phone, а у Siemens - PenPhone.

НОВЫЙ СТАНДАРТ
ФЛЭШ-КАРТ MMC

Организация MMCA (MultiMediaCard Association) обнародовала новый стандарт, описывающий архитектуру MMC-карт следующего поколения. Новые флэш-карты обеспечат большую, чем ранее пропускную способность за счёт более широкой шины данных и повышенной частоты и будут поддерживать два уровня напряжения питания.

МЕДИАПЛЕЕР
С ПОДДЕРЖКОЙ DIVX

Компания iRiver сделала дисплей своего плеера цветным, включив в него возможность воспроизведения видео в формате DivX (на что, между прочим, способны далеко не все DVD-плееры) и MPEG4. Из аудиоформатов плеер поддерживает MP3, WMA и ASF. У него также имеются встроенное радио, видеовыход и возможность обновления прошивки. При проигрывании видео время автономной работы составит около пяти часов.

СВЕРХЛЕГКИЙ
НОУТБУК

Panasonic выпустила новый ноутбук серии Let's Note на чипсете Intel 855GME. В базовой конфигурации Let's Note Y2 весит 1,5 кг и относится к сверхлегкому классу, но это никак не отражается на его функциональности. Лэптоп оснащен 14,1-дюймовым дисплеем с разрешением 1400x1050 и комбоприводом с поддержкой DVD-RAM, в то время как большинство сверхлегких ноутбуков имеют уменьшенный экран и внешние CD- и FD-приводы. Чтобы добиться такой компактности, инженерам Panasonic пришлось как следует поработать.

По материалам Интернет

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ ОАО СПКБ СВЯЗИ "PRENOS" СООБЩАЕТ:

Общее собрание акционеров ОАО СПКБ связи **"PRENOS"** состоится 12 марта 2004 года в 13.00 часов в актовом зале по адресу г.Ташкент, ул. Акад. Я.Гулямова, 2.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Об изменении организационно-правовой формы ОАО СПКБ связи **"PRENOS"**.
2. О размере уставного фонда ООО СПКБ связи **"PRENOS"** и конвертации акций ОАО СПКБ связи **"PRENOS"** в доли ООО СПКБ связи **"PRENOS"**.
3. Об утверждении Устава ООО СПКБ связи "PRENOS".
4. Об утверждении директора ООО СПКБ связи **"PRENOS"**.

МОБИЛЬНЫЙ ТЕЛЕФОН С ВРАЩАЮЩИМСЯ ДИСПЛЕЕМ

Во втором квартале 2004г. компания Motorola собирается начать продажи нового мобильного телефона V80, отличающегося, прежде всего, необычной конструкцией крепления дисплея. В частности, крышка с экраном может быть повернута на 180 градусов относительно нижней панели, на которой расположены цифровые клавиши и функциональные кнопки. Кроме того, предусмотрено и промежуточное положение: при повороте дисплея на 90 градусов телефон автоматически переходит в режим фотоаппарата.

Источник: http://www.compulenta.ru

МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

ТРИ НОВЫХ МОБИЛЬНИКА

Корпорация Motorola представила три мобильных телефона с поддержкой технологии push-to-talk (PTT) - 4-х диапазонный GSM-аппарат V400p и два CDMA-мобильника T300p и V65p. Модель V400p оборудована встроенной камерой, функцией громкой связи, поддержкой вызывных мелодий формата MP3. Модель T300p выполнена в защищенном прорезиненном корпусе. Как сообщила пресс-служба Motorola, в настоящее время все новинки проходят тестирование в сетях ряда операторов.

Источник: http://www.utro.ru

ИНТЕРНЕТ-ДАЙДЖЕСТ

ЛЮБИМЫЕ ЛАЗЕЙКИ ХАКЕРОВ

Компания WebCohort, Inc., объявила результаты своего исследования в области сетевой безопасности. Исследование велось на протяжении четырех лет и охватило более 250 сайтов самой разной направленности. В ходе исследования анализировались способы незаконного проникновения на сайты. Самыми типичными способами по частоте применения стали использование дыр в межсайтовых скриптингах, которые задействованы в 80% атак, и подмена SQL-запросов – в 62%. Только за один 2003г. хакерские атаки стали причиной 500 тысяч жалоб со стороны потребителей. В Америке ущерб от деятельности хакеров составил более 200 миллионов долларов.

Источник: http://www.nbsp.ru

ОБЩЕНИЕ В ИНТЕРНЕТЕ ПОМОГАЕТ ОТ ОДИНОЧЕСТВА

Группа канадских исследователей под руководством Мэри Модэйил (Mary Modayil) из университета Альберты пришла к выводу, что интенсивное использование интернета может оказывать терапевтическое воздействие на людей, страдающих от социальной изоляции и одиночества. Выяснилось, что одинокие люди, стремящиеся к социальному взаимодействию, получают желаемое в интерактивной среде, которая гарантирует им безопасность благодаря анонимности "электронного контакта". В этом и заключается положительный эффект интернет-терапии.

Источник: http://www.nbsp.ru

ПОЛЬЗОВАТЕЛЯМ ИНТЕРНЕТА ПРИДЕТСЯ «СДАВАТЬ НА ПРАВА»

Вскоре при выходе в Интернет даже с домашнего компьютера вам, помимо стандартного логина и пароля, нужно будет ввести еще и идентификационный номер специальной карты, которая будет выдаваться после экзамена на знание правил поведения в сети. А за их нарушение придется нести ответственность, вплоть до лишения свободы.

Источник: http://top.rbc.ru

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ

ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА АКТни КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШДАГИ СТРАТЕГИК ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

Асримиз ахборотлаштириш асри деб юритилмоқда. Дарҳақиқат, ҳар томонлама ривожланаётган жамият тараққиётини ахборот технологияларисиз, айниқса, компютерларсиз тасаввур этиш мушкул.

Ахборот-коммуникация технологиялари(АКТ) соҳаси юқори суръатларда, шиддат билан ривожланиб бораётган соҳалардан ҳисобланади.

АКТга нисбатан талаб ва эҳтиёж Интернетнинг яратилиши билан янада ортди. Айнан мана шу янги технологиялар жамиятимизнинг барча йўналишларига, жумладан, таълим соҳасига ҳам жадал суръатларда кириб бормоқда. Бу эса таълим тизимида, хусусан, ўқув жараёнларини ташкил этиш ва амалга ошириш, ўқув-услубий таъминотни ривожлантириш, ўқув машғулотларини олиб бориш ва ўзлаштириш самарадорлигини ошириш борасида янгича мазмун ва моҳият шакланишига асос яратмоқда.

Таълим соҳасидаги атамалар рўйхатида "электрон дарслик", "масофавий ўқитиш курси", "виртуал тажриба стенди", "виртуал устахона", "видеоконференция", "электрон форум", "виртуал синф" каби янги сўзлар пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ҳам таълим тизимини ахборотлаштириш масалаларига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ҳозирги кунда амалга оширилаётган 2-босқичи бўйича белгиланган асосий вазифалардан бири таълим сифатини оширишдир. Айнан мана шу вазифани таълим тизимига замонавий АКТни татбиқ этмасдан туриб бажаришни тасаввур қилиб бўлмайди. Бунга асосий сабаб бўлувчи омиллар сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

1. Талабаларга етказилиши лозим бўлган ахборотлар оқиминнинг муттасил ортиб бораётганлиги.

2. Ўқув машғулотларини ўтиш ва ўзлаштириш самарадорлигини ошириш.

3. Ахборот маданиятини шакллантириш.

Таълим ва тарбиянинг педагогик ва психологик мақсадлари сари йўналтирилган замонавий ахборот технологияларини кенг равишда татбиқ этиш, таълим соҳаси услубияти ва амалиётини таъминлашга қаратилган жараёнга таълимни ахборотлаштириш деб қаралади.

Таълим тизимини ахборотлаштириш борасида олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида АКТни таълим жараёнларига татбиқ этиш борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Шулардан айримларини келтириб ўтиш жоиздир:

- Олий таълим муассасаларининг (ОТМ) барчасида Интернетга чиқиш имконияти яратилди;

- илмий ишлар бўйича проректорлар ўрнига илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректорлар лавозими ташкил этилди;

- таълим муассасаларини компютерлаштириш кўрсаткичларини оширишга эътибор кучайтирилди (1-, 2- ва 3-диаграммалар) ва ҳозирга келиб ОТМ бўйича ўртача кўрсаткич ҳар 100 талабага 6,21 бўлишига эришилди (Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил, 6 июндаги 200-сонли қарори билан тасдиқланган Дастурга асосан 2003 йилнинг охиригача мазкур кўрсаткич 4,2 бўлишига эришиш режалаштирилган эди);

- маҳаллий мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари билан чет эл андозаларига нафақат жавоб бера оладиган, балки баъзи кўрсаткичлари билан бирмунча илғор бўлган E-Saboq — электрон дарсликлар яратиш платформаси (Тошкент Давлат техника университети) ва AILS — автоматлаштирилган кутубхона тизими яратилди (Ўзбекистон Миллий университети (4-диаграмма);

- таълим муассасаларининг Интернет орқали керакли маълумотларни олишларида бир қатор қулайликлар яратиб берувчи E-Collektor тизими яратилди (Тошкент Давлат техника университети) ва унга барча ОТМ учун имтиёзли фойдаланиш имкониятлари яратиб берилди;

- республика "Истеъдод" жамғармаси билан биргаликда "Ёзги мактаб" рукнида АКТ ва мазкур технологиялар асосида масофавий ўқитишни ташкил этиш йўналишида доимий ишловчи, минтақавий семинар-тренинг курслари ташкил этилди ва ҳозирга қадар мазкур курсларда ОТМнинг ва касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг 800дан ортиқ педагог-кадрлари малака ошириб чиқдилар.

- Вазирлик томонидан вазирлик тасарруфидаги барча (33та) малака ошириш институтлари, марказлари ва факультетлари учун энг янги компютерлар (P IV) билан жиҳозланган синфлар ташкил этилиб, улар электрон маърузалар яратиш бўйича "Лектор" тизими билан қўшимча жиҳозлаб берилди. Бундан ташқари, кутубхоналар алоҳида замонавий компютер ва сканерлар билан таъминланди.

- ОТМнинг Веб-сайтларини яратиш ва улардан таълим ресурсларини ривожлантиришда самарали фойдаланиш бўйича махсус кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилди ва ҳозирга келиб аксарият ОТМ ўз веб-сайтларини фаоллаштиришга эришдилар.

Таълим тизимини ахборотлаштиришдаги устувор масалалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш ўринли бўлади:

1. Барча педагог-кадрлар ва мутахассисларнинг АКТ бўйича тўлиқ малака оширишларига эришиш.

2. Ўқув фанлари бўйича мултимедиали электрон ўқитиш воситалари яратишни кескин ривожлантириш.

3. Таълим жараёнларига АКТни кенг жорий этишда, хусусан, электрон дарсликлар яратиш, ўқув машғулотларини компютерлаштирилган электрон ўқитиш воситалари ёрдамида олиб бориш, муайян фанларни, айниқса, техника соҳасидаги йўналиш фанларини чет тилларида олиб боришга эришиш.

4. Компютерлаштиришни ривожлантириш билан бир қаторда ахборот ресурсларини ҳам кенгайтириш.

5. Барча ОТМда локал тармоқларни, вазирлик миқёсида эса корпоратив таълим тармоғини шакллантириш.

Умуман олганда, АКТ таълим тизимида ажралмас бир бўлак бўлиб, нафақат таълим сифатининг кескин ошишида, балки жамиятимизни ҳам ахборотлаштирилишида, республика иқтисодиётини ривожланишида ва жаҳон ахборот маконида ватанимиз ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишида муҳим омил бўлиб қолади.

Ш.АЮПОВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари

1, 2-диаграмма



3, 4-диаграмма

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ

МАЛАКА ОШИРИШДА МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШ

Замонавий ахборот технологияларини ўқув-тарбия жараёнига, жумладан, ёш педагог ва илмий ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга жорий қилиш бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотлар ҳозирги куннинг энг зарур вазифаларидан ҳисобланади.

Педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашда қўлланиладиган масофавий ўқитиш тизимига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Дастлабки ташкилий ишлар. Бу — гуруҳни шакллантириш, тингловчилар билан танишиш, уларнинг бошланғич билимларини аниқлаш учун мўлжалланган (кириш) тестдан ўтказиш, кириш дарсларини ташкил этиш, ўқиш учун зарур бўлган ўқув манбаларини тавсия қилиш ва бошқа ташкилий масалаларини ўз ичига олади;
- тингловчиларга электрон маъруза ва қўлланмаларни узатиш;
- тингловчиларнинг тютор-консультант билан ёзишмаси;
- профессор-ўқитувчиларнинг тингловчилар билан ёзишмаси. Электрон алоқа орқали консультациялар, телеконференциялар кўринишидаги семинарлар, электрон тестдан ўтказиш, тингловчиларнинг Интернет орқали, шунингдек, аудио-видео қўлланмалар билан мустақил ишлаши, эксперт тизимларидаги билимлар омборини хотирага олишларини бунга киритиш мумкин;
- тингловчиларнинг мустақил ишлашлари;
- жорий назорат (имтиҳон) ўтказиш;
- битирув ишини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш;
- диплом ёки сертификатларни тингловчиларга тақдим этиш;
- турли кўринишдаги телеконференцияларни ташкил этиш.

Масофавий ўқитиш тизимининг ҳаракатчанлик хусусияти ўқув аудиторияларини ташкил этиш ва назорат қилиш, ўқув-услубий қўлланма ва электрон кутубхоналарнинг жамғармаларини, ҳамда компютер тармоқларининг глобал ва локал ҳисобланиш, тютор-консультант ва ўқитувчиларни тайёрлаш каби таълим ашёларидан самарали фойдаланишни режалаштириш муаммоларини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси қошидаги Масофавий ўқитиш маркази масофавий ўқитиш учун зарур барча ахборот-коммуникация жиҳозларига эга. Марказ ўз фаолиятини қуйидаги йўналишларда олиб бормоқда:

- масофавий ўқитиш бўйича магистрларни таёрлаш;
- ёш педагог ва илмий ходимларни масофавий ўқитиш йўли билан малакасини ошириш;
- турли фанлар бўйича масофавий курслар ташкил этиш;
- турли конференциялар ташкил этиш.

Ҳозирги кунгача Масофавий ўқитиш марказида Россия ахборот жамиятини ривожлантириш ва Москва давлат электроника ва математика институтларининг ҳар бири 72 соат мобайнида ўқитишга мўлжалланган "Масофавий курслар яратиш технологияси ва методикаси" ҳамда "Масофавий ўқитиш услубияти" курсларини олий ўқув юртларининг "Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш марказлари" раҳбарларидан 60 нафари ўз малакаларини ошириб кетдилар.

Россия Ахборот технологиялари Интернет-университетининг "Микропроцессор техникаси асослари", "Ахборот технологияларининг хавфсизлиги", "CGIга кириш", "HTMLга кириш", "JavaScriptга кириш", "Web технология асослари", "Каскадли жадваллар усулини қўллаш", "Ахборотларни узатиш тармоқлари асослари", "C++ дастурлаш тили" ва шу каби бошқа масофавий курслари бўйича республика олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларини малакаси оширила бошланди. Жумладан, жорий йилнинг 4 февралидан бошланган "Ахборот технологиялари хавфсизлиги" масофавий курси бўйича 18 кунлик малака ошириш дастури тугалланмоқда.

Курсларни муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга Россия Ахборот технологиялари Интернет-университети ва жамғарманинг махсус гувоҳномалари берилади.

Кейинги пайтларда Самарининг аэрокосмик университети қошидаги янги ахборот технологиялари марказининг сайти орқали бир қанча масофавий ўқитиш курсларидан фойдаланилмоқда. Улар ичида, жумладан, "Масофавий ўқитиш ахборот технологиялари", "Электрон ўқитишнинг услубияти ва технологияси", "Ўқитишга мўлжалланган компютер тизимларини лойиҳалаш" каби ўқув курсларини кўрсатиш мумкин. Айни дамда ушбу курсларга мос қўлланмаларни кўпайтириб, амалиётчиларга етказиш ва таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш масалалари ҳал қилинмоқда.

Ҳозирги кунда Лондон университети билан On line масофавий ўқитиш курсларини уюштириш устида иш олиб борилмоқда.

Бизнесни бошқариш мутахассислигида магистрлар тайёрлаш бўйича Буюк Британиянинг Херриотт – ВАТТ университети қошидаги Эдинбург Бизнес мактаби жаҳондаги таълим муассасалари рейтингида иккинчи ўринда туради. Шуни эътиборга олиб, жамғарма ушбу Бизнес мактаби билан масофадан туриб бизнесни бошқариш соҳаси бўйича магистр тайёрлашга шартнома тузди. Шартноманинг расмий томонлари амалга оширилгандан сўнг "Умид" грантининг икки совриндори магистратурада ўқишни бошлайди. Шуни таъкидлаш керакки, жорий йилда марказда масофавий ўқитиш орқали магистрлардан яна беш нафарини тайёрлаш режалаштирилган.

Масофавий ўқитиш тизими орқали педагог ва илмий ходимларни малакасини ошириш жараёнида ўқув-услубий адабиёт, тингловчилар олган билимларни назорат қилиш тизими ва ташкилий масалалардан иборат учта элементлар орасида қатъий боғланиш бўлиши зарур.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида қўлланилаётган масофавий ўқитиш усули ривожланаётган ҳозирги даврни тажриба тўплаш даври ҳам, деб ҳисоблаш мумкин. Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш билан машғул бўлган профессор-ўқитувчилар гуруҳлари турли тоифадаги тингловчилар учун мўлжалланган ҳар хил масофавий курслар ярата бориб, машғулотлар ўтказиш тажрибасини тўплашмоқда ҳамда ўқитишнинг самарали йўлларини излашмоқда. Турли таълим соҳаларидаги ушбу топилган педагогик услубиятлар кўпгина мутахассисларга масофавий ўқитиш учун мўлжалланган қўлланмаларини яратишда асқотади, деган умиддамиз.

А.АБДУҚОДИРОВ,
"Истеъдод" жамғармаси қошидаги Марказ директори

СИСТЕМА СОЗДАНИЯ ЭЛЕКТРОННЫХ КУРСОВ ОБУЧЕНИЯ

Анализ современных педагогических технологий, основанных на использовании информационных технологий, показывает большую востребованность и широкое распространение программ создания и проведения электронных курсов обучения. Тенденции показывают, что не ставится задача развития в чистом виде системы дистанционного обучения, а более важным становится проблема интенсификации "классического" образовательного процесса. И здесь полезными оказываются активно создаваемые различными разработчиками всевозможные платформы генерации электронных курсов. К активно внедряемым можно отнести такие программные продукты таких образовательных центров, как Международный Центр дистанционного обучения Института образовательных технологий при Открытом университете Великобритании, Современный Гуманитарный Университет, Центр "Прометей" (Россия) и многие другие. Одним из реализованных в нашей стране проектов по созданию аналогичной продукции является разработка Ташкентского Государственного технического университета "e-saboq".

Пакетом программного обеспечения для создания электронных курсов является система Moodle (Модульная объектно-ориентированная учебная система). В отличие от других, данная система распространяется бесплатно, как открытый проект по лицензии GNU GPL. Несомненным преимуществом данной системы является то, что она может работать на любом APACHE-сервере, на котором установлено PHP, и поддерживает практически любую базу данных (в частности, MySQL).

Первая версия данной системы вышла в свет в августе 2002 года и сразу привлекла к себе внимание специалистов. Следует отметить, что основанная как открытая программа, система MOODLE постоянно дорабатывается программистами различных стран. Кроме организации многоязычной поддержки (34 языка мира, включая английский и русский), система постоянно дополняется новыми модулями, разрабатываются новые версии с дополнительными функциями и улучшенной производительностью.

Говоря об основных характеристиках системы, следует отметить, что она спроектирована с учётом достижений современной педагогики (social constructionist pedagogy); сильно акцентирована на взаимодействие между учениками и направлена на развитие критического мышления; пригодна как для дистанционного, так и для очного обучения; обладает эффективным, совместимым web-интерфейсом и высоким уровнем защиты. Система располагает всем необходимым спектром модулей ведения электронного курса. Широко представлены возможности предоставления информационного материала. Используя HTML-программирование и технологии мультимедиа, разработчику предоставляется возможность создания высокопрофессиональной ресурсной базы. Модули "Форум" и "Чат" сильно расширяют возможности передачи информации между учителем и обучаемым. Модули "Журнал", "Опрос" служат хорошим инструментом проверки выданных заданий. Разработчиками системы хорошо спроектирован и реализован блок "Тесты". Здесь, используя все возможности, предоставляемые внедрением компьютерных технологий, можно проводить тестирование обучаемых. Хорошим помощником учителю станет блок "Администрирование курсов", где ведется весь статистический учет посещаемости, успеваемости, учебной активности учеников.

Учитывая все преимущества, предоставляемые системой MOODLE, с января 2004 года данная система была принята для использования в Ташкентском университете информационных технологий. При её выборе было также учтено, что система легко позволяет перенести в нее уже существующие в другой среде электронные курсы.

Несмотря на то, что работа в системе по силам и составителям курсов, которые не являются компьютерными специалистами, все же для составления высокопрофессиональных курсов в системе MOODLE не помешает и специальная подготовка.

С этой целью в университете был организован семинар "Методика составления электронных курсов в системе MOODLE", обучение на котором прошли 18 преподавателей университета. По окончании обучения они приступили к созданию собственных курсов по преподаваемым в университете дисциплинам. Так, в стадии разработки находятся такие курсы, как инженерная и машинная графика, системы телематики, микроволновые полупроводниковые приборы. Следует отметить, что создаются курсы не только по техническим дисциплинам, но и по гуманитарным, такие, как политология, культурология и др.

С целью более широкого применения системы и активизации разработок отечественных программных продуктов в университете сформирована рабочая группа, которая должна будет реализовать поддержку системы MOODLE на узбекском языке.

И.АБДУЛЛАЕВ,
проректор ТУИТ

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикасида масофавий таълим тизимини (МТТ) яратиш ва ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш охирги йиллар давомида таълим олиш хизматига бўлган талабнинг кескин равишда ошиши ҳамда масофавий таълимнинг юқори иҳтимоий аҳамияти туфайли юзага келди. Масофавий таълим тизимининг яратилиши ва амалда қўлланилишига мамлакатимизда керакли кадрлар, педагогик, илмий-техник ва илмий-услубий салоҳият етарли эканлиги сабаб бўлди. Бундан ташқари, республикамизда бу борада муайян тажриба орттирилган бўлиб, масофавий таълим инновацион технологияларининг етарли негизи мавжуд.

1. МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АМАЛДА ҚЎЛЛАШ ЗАРУРЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР.

ТАШҚИ ОМИЛЛАР

XX асрнинг иккинчи ярми, айниқса, унинг охирги 10 йиллигидан бошлаб жамиятдаги ахборот ҳажмлари кескин ўсмоқда. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра, мавжуд ахборотлар ҳажми ҳар 20 ойда XIX асрнинг 50 йилида тўпланган ахборот ҳажмига тенг миқдорда ошиб бормоқда. Инсоният саноат асридан ахборот даврига ўтди, бу эса кўпгина фаолият соҳаларида сезиларли ўзгаришларга, дунёда ягона ахборот муҳитининг шаклланишига олиб келди. Ахборот энг асосий ишлаб чиқарувчи ресурслардан бирига, иқтисодиёт ва умуман жамиятнинг ривожланиш пойдеворига айланмоқда. Ахборот жамиятида унинг аъзолари олган таълим устувор аҳамиятга эга бўлмоқда. Фақатгина ўқимишли одамларгина ахборотни қудратли ишлаб чиқариш ресурси сифатида ишлата олади. «Ахборотли портлаш» вазияти жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз билимини доимий равишда янгилаб туришини тақозо этади. Инсонга «бутун умри учун таълим» етарли эмас, балки унга «бутун умри давомидаги таълим» зарур. Ўқитиш объектив равишда узлуксиз кечади. Ўқитиш жараёнининг маъноси ва амалга ошириш услублари ҳам қатъиян ўзгаради.

Жамият ривожланишининг ҳар бир босқичида янги авлодни ўқитишда тўпланган билимларни, маҳорат ва удумларни етказиш ўзига хос шакл ва жараёнига эга. XV асргача мавжуд бўлган аграр цивилизациясига оғзаки мулоқот ёки ёзма қўлланмаларни ишлатишга асосланган ментор мактаби хос эди. Бу технология табақа доирасида чекланиш, вақт ва масофада чегаралаш, ахборот сақланишининг паст даражаси билан таърифланган. Саноат жамияти технік тарафдан китоб чоп этилишга асосланган янги таълим тизими яратди. Бу тизим таълим олишни оммалаштиришни таъминлашга имконият яратди. Жумладан, ўқувчининг таълим олиши педагог билан бевосита мулоқотсиз ҳам амалга оширилиши мумкин.

XX аср охиридан бошлаб ахборот алмашиш бўйича янги компьютер технологиялари таълимнинг янада оммалашувининг техник имкониятини яратиб, давлатлараро ахборот чегараларини бузиб ташлади ҳамда ахборот алмашиш тезлигини минг маротаба ошириш ва ҳажмини орттириш имконини берди. Ахборот технологияларини инсоннинг кўпқирралари фаолиятига жорий этилиши сифат жиҳатдан янги таълимга эҳтиёжни вужудга келтирди. Ушбу эҳтиёжни қондиришнинг энг мақсадга мувофиқ йўли ва воситаси деб ахборот технологиялари (бундай ишлаб чиқариш эҳтиёжининг пайдо бўлиши сабаби бўла туриб) белгиланди.

Бундан олий таълим тизимини ривожлантиришнинг янги «ахборот» босқичи объектив ва муқаррарлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Ўзбекистонда ўқитиш технологияларини замонавийлаштиришни жадаллаштириш ривожланган иқтисодиётли мамлакатларга қараганда янада долзарб аҳамиятга эга. Чунки ҳозирги кунда миллий таълим тизимининг салоҳияти иқтисодий ривожланишнинг янада юқори поғонасига кўтарилишга амалий имконият таъминловчи асосий иҳтимоий ресурс сифатида гавдаланади.

Бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизими моддий-техник асосининг ҳар томонлама эскириши, ўқитувчилар иш ҳақининг пастлиги, аксарият аҳолининг тўлов қобилияти чекланганлиги, кўчиш харажатлари қимматлиги туфайли аҳолининг жойдан жойга кўчиши паст даражада эканлиги каби муаммоларга дуч келяпти. Мамлакатдаги мавжуд касбий таълимнинг юқори даражасини кенгайтириш йўли билан ривожланиш, чегарадан ўтиб бўлган, ундан ошганда педагогик меҳнатнинг иқтидорлик хусусияти йўқоладиган, ўқитувчиларнинг катта иш ҳажмларини ошириш билан сақлаб қолиб бўлмайди.

Мамлакат таълим тизими ва биринчи ўринда, олий мактаб собит ривожланишининг бугунги кундаги ягона йўли ўқув жараёнида жаҳон талабларига мос келувчи ахборот технологияларини ўқитишда қўллашдир.

Масофавий технологиялар бозор иқтисодиёти учун кадрлар тайёрлаш тизимини яратишда узоқ муддатли мақсадларни таъминловчи йўналиш сифатида баҳоланмоқда. Европа Ҳамкорлиги Комиссияси, турли халқаро ривожланиш ва қўллаб-қувватлаш жамғармалари Ўзбекистонда масофавий таълимнинг ривожланишига қизиқиш билдиришиб, бундай лойиҳаларни молиялаштиришга энг муҳим йўналишлардан бири сифатида қарашмоқда.

Таълимнинг ахборотлаштириш жаҳон тенденциясини Ўзбекистоннинг халқаро педагогик жамиятида ҳам тан ола бошлади. Масофавий таълимни ривожлантириш бўйича бир неча дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

ИЧКИ ОМИЛЛАР

Иқтисодиёт ва жамиятда ислоҳотлар ўтказилиши ўқув жараёнининг заҳира ҳажмини кескин ошириш бўйича янги талаблар қўйди. Ўқув кенглигини асосан экстенсив усуллар ёрдамида ошириш туфайли ҳосил бўлган ўқув майдонлари, кадрлар ва ашёвий ресурслар етишмаслиги таълим олувчилар сони ошишишини янада чеклади, таълим муассасалари томонидан таъминланадиган ўқув-таълим хизматларидан аҳолининг фойдаланиш имкониятини пасайтириб, салоҳиятли истеъмолчилар доирасини торайтирди.

Бир қатор таълим муассасаларида кафедралар ўқитувчилари таркибининг кексайиши муаммоси вужудга келмоқда. Бу ҳол илмий мактабларни ва умуман, университет, институт, коллеж ва лицейларда юқори академик даражани йўқотиш хавфини туғдиради. Бунда ўнлаб йиллар давомида йиғилган анъаналар, катта билим ва заковатга эга бўлган педагогларнинг бебаҳо тажрибаларини сақлаб қолишдек жиддий муаммо пайдо бўлади. Бу муаммонинг ҳал қилиниши ўқитувчилар авлодлари орасидаги алоқа узилиши кўпайишини қисман бўлса ҳам қоплар эди.

Ўқув жараёнида манба талаб қилувчанликнинг пасайиши ҳамда умумтаълим муассасаларида билим олишни осонлаштиришни таъминлаш учун ўқитиш технологиялари мумкин қадар самарали бўлиши керак. Ушбу мақсадда ўқув жараёнини жадаллаштирадиган янги инновацион — ахборот усулларидан кенг фойдаланиш зарур. Буларнинг ҳаммасига ўқув-таълим тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий қилиш билан эришиш мумкин.

Авваламбор, АКТни глобал равишда жорий этилиши зарурлигини қайд этиб ўтиш керак:

- **биринчидан,** АКТ ишбилармонлик ва таълимот учун янги имкониятлар яратади, бозор қатнашчиларининг битим тузишдаги сарф-харажатларини қисқартирувчи омил бўлиб хизмат қилади;
- **иккинчидан,** керакли маълумотлардан фойдаланиш йўлидаги тўсиқларни йўқотади, маълумот алмашишдаги сарф-харажатларни камайтиради;
- **учинчидан,** мамлакатга чет эл сармоясини жалб қилишга ҳамда илғор технологияларни ишлаб чиқариш ва бошқарувда қўлланилишини таъминлашга кўмаклашади;
- **тўртинчидан,** иқтисодиёт самарадорлигини ва глобаллаштириш суръатларини сезиларли равишда оширади ва ҳоказо.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда иҳтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ва давлатнинг жаҳонда нуфузли ўрин эгаллашини таъминлашда АКТни янада кенгроқ жорий этиш зарурлигини кўрсатади. Шуни назарда тутган ҳолда, ҳукуматимиз бу йўналишни иқтисодиёт ривожи ва аҳоли турмуш даражасини оширишда стратегик устивор йўналиш сифатида белгилади.

Ўзбекистон Республикасида масофавий таълим тизимини (МТТ) яратишнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

МАЛАКА ОШИРИШ ВА КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ

Ҳозирги кунда АКТнинг тез суръатлар билан ривожланиб бораётгани боис юқори малакали кадрлар билан таъминлаш муаммосини ечиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Таҳминий ҳисоб-китобларга кўра, янги ва қайта қурилган ўрта махсус ҳамда касб-ҳунар ўқув муассасалари ишга туширилгани сайин педагогик ва муҳандис-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёж 2010 йилга бориб 167 минг кишига етади. Олий таълим муассасалари ўқитувчиларини ўқитиш фаолиятига, айниқса, академик лицейларга жалб қилиш давом этади. Ҳар йилги қайта тайёрлаш ва малака оширишга йўналтирилган ўқитувчилар сони 16 мингдан 56 мингтачани ташкил этади.

Ўқитилиши зарур бўлган муаллимлар сони кўплиги ва қайта тайёрлашдан ўтган кадрлар билим даражаси буюртмачи томонидан белгиланган малакавий талабларга жавоб бериш шартлиги сабабли мавжуд малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш институт ҳамда марказларига (улар сони 27та) бу вазифанинг уддасидан чиқиш қийин бўлади. Бундай вазиятда масофавий таълим тизимини ташкил қилиш мутахассислар тайёрлаш тезлигини оширишга кўмаклашади, чунки кадрларни ишлаб чиқаришдан четга олмаган ҳолда ўқитиш ҳисобига вақт қисқаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғига биноан кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш янги: «3+1», «2+2», «1+3» схемалари бўйича амалга оширила бошланди. Бунда биринчи таркибий қисмида мустақил ўқиш учун ажратилган вақтга (ҳафта ҳисобида), иккинчи таркибий қисмида ўқитиш вақти аудиториялар сонига боғлиқ. Биринчи таҳлилларга кўра, ҳам дидактик, ҳам педагогик, ҳам амалий томондан ёндошганда масофавий таълим усулларини қўлламасдан туриб схемаларнинг биринчи таркибий қисмини таъминлаб бўлмайди.

ТЎЛИҚ КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИГА ЭРИШИШ

Ўқитувчилар ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларидаги мутахассислар дунё ахборот манбаларидан фойдалана олишлари учун уларнинг компьютер саводхонлиги даражасини ошириш даркор. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, компьютер саводхонлигига эришиш муаммосига ҳар томонлама ёндашиш (турли телекоммуникация тармоқлари ва хизматлардан фойдаланиш) йўли билан қисқа муддат ичида аҳолининг турли тоифаларини буткул компютердан фойдаланишни ўрганишга эришиш мумкин.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ

Ушбу муаммо халқаро таълим тизимлари ривожланиши ва суръатлари даражаси ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури томонидан ўртага қўйилди.

Таълим сифатини оширишга қуйидагилар ёрдамида эришилади:

- Юқори малакали мутахассислар ва илмий-педагогик кадрлар учун курслар ташкил қилиш ва ўқитишга жалб қилиш имконияти;
- қўлланилган манбалар хилма-хиллиги ҳамда улардаги ахборот долзарблигининг даражаси туфайли шаклланадиган ахборот муҳитининг юқори интеллектуал имкониятлари;
- мултимедиа технологияларини қўллаш;
- ўқитувчи ва таълим олувчининг мунтазам равишда бўлиб ўтадиган индивидуал мулоқот имкониятлари;
- ўқув материалларини ўзлаштиришни текшириш ва мустақил равишда мунтазам назорат қилиш;
- ўқувчиларнинг билиш фаолиятида мустақилликнинг юқори даражаси;
- ўқитишда катта миқдордаги турли вазифаларнинг (бу борада тадқиқот қилиш машқлари ҳам инобатга олинади) қўлланиши;
- тармоқли телеконференциялар давомида ўрганувчиларнинг жамоавий тарзда ижод қилиш имкониятларидан фойдаланиш.

Индивидуал йўналиш бўйича таълим олиш имконияти (ҳам ўқитиш мазмуни, ҳам ўқитиш муддати бўйича).

ЎҚИШ ВА ЎҚИТИШ ҚУЛАЙЛИГИ

Бунга ўқитиш жараёнини ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи учун қулай вақт, жой ва суръатда олиб бориш имконияти эвазига эришилади. Курсни ўзлаштириш учун ажратилган вақтнинг қатъий чекланмаганлиги ўқувчиларга чекланган муддатли курсга нисбатан хоҳ камроқ, хоҳ кўпроқ вақтда ўзлаштириш шароитини яратади. Ўқитувчининг синфда ўтадиган ҳафталик дарслар ҳажми камаяди.

ТАЪЛИМДА РАҚОБАТЛИК МУҲИТИНИ ЯРАТИШ

Масофавий таълим тизимини ўқитиш жараёнига жорий этиш анъанавий ва масофавий таълим орасида рақобатлик муҳитини яратади. Бу эса умумий таълимда ўзининг рақобатбардошлигини ошириш учун интилиш туфайли анъанавий таълим сифатининг ошиши ва бу, ўз навбатида, республикадаги таълимнинг умумий даражасини кўтаради.

АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИНИНГ УЛКАН ОҚИМИ

Йил сайин келаётган ахборот ҳажми бир неча марта ортиб бориши натижасида босма равишда бу ахборотни топиш уддасидан чиқиб бўлмайдиган вазифа бўлиб қолди. Ахборот айниқса ўқитувчилар учун зарурлигини, ўқувчиларга эскириб қолган ахборот эмас, замон талабига мос келувчи ахборот кераклигини инобатга олган ҳолда янги ахборотни тезкор равишда электрон кўринишда олиш шароитини яратиш даркор.

«Танланганлар учун таълимдан» «ҳамма учун таълим» томон шиорига етишиш

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Таълим тўғрисида"ги қонунга биноан, дини, ёши, иҳтимоий келиб чиқиши, миллати, соғлиғи ва турар жойи каби омиллардан қатъи назар Ўзбекистоннинг ҳамма фуқаролари таълим олиш ҳуқуқига эга.

Халқаро интеграцияни кучайтириш

Сифатли янги ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши эркин қадар ахборотлаштириш жараёнининг ҳамма соҳалари каби таълим соҳасида ҳам ёрқин акс этиши ҳамда ахборот технологияларини ўқув жараёнига киритиш таълим тизимидаги халқаро интеграцияни кенгайиши ва кучайишига шароит яратади.

КОНУНИЙ, ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АКТЛАР

Концепциянинг асосий низомлари таянган қонун чиқарувчи ва меъёрий-ҳуқуқий актлар :

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни;
- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил, 23 майдаги 230-сонли қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил, 4 октябрдаги 400-сонли қарори;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил, 30 майдаги 3080-сонли Фармони;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил, 6 июндаги 200-сонли қарори.

2. МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФЛАРИ.

2.1. Масофавий таълимнинг таърифлари.

Масофавий ўқитиш — таълим олувчиларга тегишли стандартларга мос фанларни эркин равишда танлаш, ўқитувчи билан мунозара йўли билан мулоқотда бўлишга шароит яратиб берувчи анъанавий, янги ахборот ва телекоммуникация технологиялари ҳамда техник воситаларни кенг турларидан фойдаланишга асосланган ўқитишнинг мукаммал гуманистик шакли. Бундай ўқув жараёнида таълим олувчининг қаерда жойлашганлиги ва вақт аҳамиятга эга эмас. У ўқув муассасасига бормаган ҳолда (аммо ўқув юрти ўқитувчилари ва шу ўқув юрти томонидан сертификат берилган мутахассислардан (поторлардан) мунтазам равишда маслаҳат олиб) таълим олиш имкониятига эга.

Масофавий таълим — бу ўқувчи томонидан унинг кейинги иқодий ёки меҳнат фаолияти асосига айланадиган маълум таълим даражасига етишиш ва тасдиқлашга қаратилган масофавий ўқитишни амалга оширадиган тизим.

Масофавий таълимнинг ахборот-таълим муҳити — фойдаланувчиларнинг таълимий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган маълумот узатиш воситалари, ахборот ресурслари, ўзаро ҳаракат баённомалари, аппаратдастур ва ташкилий-услубий таъминлаш воситалари мажмуаси.

Таянч ўқув муассасаси — ўзининг режа ва услубиётлари бўйича ўқитишни олиб борувчи ва (унинг ҳамма шартлари бажарилган ҳолда) ўзининг таълим олганлик ҳақидаги ҳужжатни (гувоҳнома, сертификат, диплом) берувчи ўқув муассасаси (олий ўқув юрти).

Ўқув муассасасининг виртуал вакиллиги (ВВ) — таянч ўқув юрти дастури бўйича Интернет орқали ўқув жараёнини ташкиллаштиришни таъминлаб берувчи хизматларни белгиланган йиғимини бажарувчи дастур мажмуаси.

Ахборот таълим муҳити (АТМ) — касбий мутахассислиги ва таълим даражасидан қатъи назар иҳтиёрий олинган таълим муассасаларига ўқув жараёнини ягона технологик воситалар билан олиб боришни таъминловчи, уни Интернет муҳитида ахборотлар билан қувватловчи ва ҳужжатлаштиришни таъминлаб берувчи дастурли телекоммуникациявий муҳит.

Очиқ таълим — барча хоҳловчилар фойдалана оладиган, билим даражаси текширишсиз (кириш имтиҳонларисиз) ўтказиладиган, масофавий таълим услубияти ва технологиясини

(Давоми 8, 9 ва 10-бетларда.)

қўлловчи, ўқувчи учун қулай сурьатдаги ўқитишни таъминловчи ўқитиш тизими.

Очиқ университет — муайян таълим соҳасида қабул қилинган таълим стандартлари бўйича олий маълумотли мутахассислар тайёрловчи, илғор масофавий ўқитиш технологиялари ва усулларига асосланган тарзда таълим хизматлари кўрсатувчи таълим муассасаси.

Очиқ коллеж — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандартлари асосида мутахассислар тайёрловчи, илғор масофавий ўқитиш технологиялари ва усулларига асосланган тарзда таълим хизматлари кўрсатувчи таълим муассасаси.

Тютор — маълум ўқув юрти дастурлари бўйича дарс ва маслаҳатлар бериш ҳуқуқи (мазкур ўқув юрти томонидан танлов йўли билан олинган) бўлган ўқитувчи.

Электрон кутубхона — ўзининг ҳужжатлаштириш ва хавфсизлик тизими бўлган, тўла ҳажмдаги ахборот манбаларини йиғиш ва фойдаланувчига ҳавола қилиш имкониятини берувчи дастурий мажмуа.

2.2. Масофавий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари.

Масофавий таълим анъанавий ўқитиш шакларидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

Қулайлик. Ўзи учун қулай бўлган жой, вақт ва сурьатда ишлаш. Фанни ўзлаштириш учун вақтнинг чекланмаслиги.

Модуллилик. Мустақил ўқув курс-модуллар мажмуасидан шахсий ва гуруҳ талабларига жавоб берувчи ўқув режасини тузиш имконияти.

Параллеллик. Касбий фаолият билан параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан четлатмасдан ўқитиш.

Қамровлиги. Кўп сонли ўқувчиларнинг бир вақтнинг ўзида бир неча ўқув-ахборот манбаларига (электрон кутубхоналар, маълумотлар банки, таянч билимлар ва ҳ.к.) мурожаат қилиши, алоқа тармоқлари орқали ўзаро ёки ўқитувчи билан мулоқотда бўлиши.

Тежамлилик. Ўқув майдонлари, техник ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, ўқув ахборотини ихчамлаштирилган ва мукаммаллаштирилган ҳолда ҳавола этиш ва ундан фойдаланишга кенг имкониятлар яратиш мутахассислар тайёрлашга кетадиган сарф-харажатларни камайтиради.

Технологиявийлик. Инсоннинг саноатдан кейинги ахборот муҳитига ўтишига ёрдам берувчи ахборот ва телекоммуникация технологияларининг энг янги ютуқларидан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Ижтимоий тенг ҳуқуқийлик. Ўқувчининг турар жойи, соғлиғи, қайси табақага мансублиги ва иқтисодий аҳвотдан қандай таъминланганлик даражасидан қатъи назар таълим олиш имконияти тенглиги.

Байналминаллик. Таълим хизмати бозорида дунё ютуқларининг экспорт ва импорти.

Ўқитувчининг янги аҳамияти. Масофавий таълим ўқитувчи билим олиш жараёнини йўналтириши, ўзи ўқитаётган курсларни мунтазам равишда мукаммаллаштириб бориши, янги киритишлар ва тадқиқотлар билан мувофиқ ҳолда ижодий фаолияти ва малакасини ошириб бориш шартлигини инобатга олган ҳолда ўқитувчининг аҳамияти кенгайтирилиб, янгилаб берилади.

Ижобий таъсир. Масофавий таълим, режалилик, билим олишга интилиш, компютер техникасидан фойдаланиш ва масъул қарорларни мустақил қабул қилиш қобилияти ёрдамида ўқувчининг ижодий ва ақлий қобилиятини кўтариб, унга ижобий таъсир кўрсатади.

Сифат. Масофавий таълим олишнинг кундузги шаклидан билим сифати даражаси борасида қолишмайди, балки кўп сонли юқори малакали профессор-ўқитувчиларнинг жалб қилиниши ва ўқув жараёнида энг замонавий ва самарали ўқув-услубий қўлланмалардан ва катта қўламдаги ахборот ресурсларидан фойдаланиш эвазига таълим сифати яхшиланади.

Қайта алоқани таъминлаш. Ўқувчилар ихтиёрий вақтда ўқитувчи билан юзма-юз ёки виртуал алоқа ўрнатиши, масофавий ўқитиш курсининг сифати ва мазмунини, ўқув машғулотларини ташкил қилиш ва олиб бориш сифати ҳамда ўқитувчининг тайёргарлик даражасини холисона баҳолашлари мумкин.

Назарий ва амалий машғулотларнинг фарқланмаслиги. Назарий ва амалий дарсларни ўтказиш вақтидаги фарқнинг йўқлиги.

3. МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ АСОСЛАРИ.

3.1. Масофавий таълимнинг дидактик асослари.

3.1.1. Масофавий таълимнинг педагогик тизими.

Ўқитишнинг мақсади. Белгиланган тартибда тасдиқланган таълим дастури, мутахассис модели ва давлат буюртмасига мос равишда таълим олувчи томонидан қобилият ва билимлар тизимини эгаллаб олиш.

Ўқитиш мазмуни. Иктимоий буюртманинг педагогик модели. Ўқитиш жараёни, уни амалга ошириш усуллари ва ташкилий шаклари унинг мазмуни билан белгиланади.

Ўқитиш объекти. Масофавий таълимнинг таълим хизматларидан фойдаланувчилар (талабалар, таълим олаётганлар ва бошқалар) ўқитиш объектлари ҳисобланади. Ушбу таълим олиш шаклининг анъанавий шаклда таълим олувчи талабалардан фарқли равишда масофавий ўқитиш тингловчилари юқори даражадаги қатъиятлилик, билимга интилиш, режалилик, мустақил ишлаш қобилиятига эга бўлиши ва компютер ҳамда телекоммуникацион алоқа воситаларидан фойдалана олиши лозим.

Ўқитиш субъектлари. Ўқитувчилар — ўқитиш субъектларидир. Ўқитувчи — масофавий ўқитиш таълим жараёнини юқори самаралилигини таъминлашда асосий бўғиндир. Масофавий ўқитишни олиб борувчи ўқитувчилар фаолиятининг ўзига хослиги тютор терминини қўллашга зарурат туғдирди. Бу фундаментал информатика ва телекоммуникация асосларидан воқиф бўлиши керак бўлган маслаҳатчи ўқитувчидир. Унинг билим даражаси илгариланма табиатга эга бўлиши керак.

Қўллаш доираси. Масофавий ўқитишни Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимининг ҳамма поғоналарида қўллаш мумкин. Масофавий ўқитишнинг юқори самаралигини ўрта-махсус ва олий таълим тизими ҳамда ўқитувчи ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малака оширишда намоён бўлади.

Ўқитиш усуллари. Масофавий ўқитиш тўрт йўл билан амалга оширилади: ТВ-конференциялар; Видео конференциялар; Интернет ва (ёки) Интранет орқали; ўқув материаллар йиғимини тайёрлаш ва узатиш. Масофавий ўқитишнинг юқори сифатлилигига шу тўрт усулни мужассамлаштириш орқали эришилади.

Ўқитишнинг умумий дидактик усуллари. Масофавий шакл бешта умумий дидактик усулларни ўз ичига олади: ахборот-рецептив, репродуктив, муаммоли баён, эвристик ва тадқиқий. Улар ўқувчи ва ўқитувчининг ўзаро алоқасига тааллуқли педагогик ҳужжат (акт)лар мажмуасини ўз ичига олади.

Ўқитиш воситалари. Масофавий ўқитиш жараёнида ҳам анъанавий, ҳам компютер техникаси ва телекоммуникацияни қўллашга асосланган янги ўқитиш воситаларидан фойдаланилади.

Илмий-ўқув материал базаси. Ўқув дастурларига мувофиқ равишда ўқитиш учун зарур бўлган ашёлар ва техник воситалар мажмуаси. У ўқув ва ўқув-ёрдам хоналари, тажриба хиҳозлари, техник ўқув воситалари, дарсликлар, ўқув қуроллари ва бошқа ўқув услубий материалларни ўз ичига олади. Ўқувчиларнинг узоқ масофада эканлиги сабабли илмий-ўқув материал базасининг кўп қисми виртуал ахборот-ўқитиш муҳитини ташкил этади.

Идентификациявий-назорат тизими. Масофавий ўқитишнинг (МТ) кириш назорати хусусияти шундан иборатки, у абитуриент ёки ариза берувчининг касбий хусусият ва қобилиятларининг ривожланганлик даражасини баҳолаш ва ўқитишнинг самарали услуб ва воситаларини танлаш мақсадида ўзига хос ижтимоий-психологик портретни яратишга қаратилган бўлади. Анъанавий жараёнда назорат асосан ўқишга номзодларни (талабгорларни) танлов асосида олишга хизмат қилади. МТнинг ижобий янгилиги сифатида рейтинг назорати ва тинимсиз мониторингни қўллаш мумкинлиги ва мақсадга мувофиқлигини таъкидлаш ўринлидир.

Молиявий-иқтисодий кичик тизим. МТнинг молиявий-иқтисодий фаолиятини таъминлайди.

Меъёрий-ҳуқуқий база. Меъёрий-ҳуқуқий база ўз ичига Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа тегишли меъёрий ҳужжатлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари ва ҳайъат қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликларининг қўшма буйруқлари, уларнинг тавсиялари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларни қамраб олган. МТнинг ушбу асоси шакланиш поғонасидадир. Тюторнинг меҳнатини меъёрга келтириш, таълими, интеллектуал шахсий мулкини ҳимоя қилиш, тингловчиларнинг кириш қоидалари, аттестация, имтиёзлар, ўқитиш муддати ва танаффуслари ҳамда бошқаларни ўз ичига олувчи қонуний ҳужжатлар яратилиши ва мустаҳкамланишини йўлга қўйиш керак.

Маркетинг тизими. Таълим соҳасидаги бозор муносабатлари қатнашчилари сифатида нафақат ўқув муассасалари ва таълим хизмати буюртмачилари, балки давлат ҳам иштирок этади. Бунда давлат буюртмачи сифатида ҳам, истеъмолчи сифатида ҳам қатнашиши мумкин. Маркетинг тизимини киритиш зарурати шу билан асосланадики, ўқув муассасалари «маркетинг нуқтасига», яъни таълим хизмати таклифининг ўстирилаётган ҳажми аввал юқорироқ бўлган талаб билан тенглашди ва ундан илдам равишда оша бошлаган ҳолатга келди.

3.1.2. МТнинг дидактик тамойиллари:

- дидактик жараёнининг ўқитиш қонуниятларига мослиги;
- назарий билимларнинг етакчилик роли;
- ўқитишнинг таълим-тарбия ва ривожлантириш функциялари ҳамкиҳатлиги;
- таълим бериш жамоавий равишдаги ўқув ишларини ва индивидуал ёндашишни бирлаштириш;
- ўқитишда фикрлашнинг мавҳумлиги ва амалий мисоллар мужассамлиги;
- ўқитувчи бошчилигида ўқувчиларнинг онгли, фаол ва мустақил бўлиши;
- ўқитишда тизимлиликкка, узлуксизликка ва кетма-кетликка риоя қилиш;
- фойдаланишга қулайлик;
- ўқув материалларининг мунтазам ва тўхтовсиз равишда янгиланиб туришини рағбатлантириш;
- ўқитиш усулини пухта эгаллаш.

МТга нисбатан қўлланиладиган қўшимча тамойиллардан энг муҳимлари қуйидагилар:

МТнинг инсонпарварлик тамойили. Ўқитиш ва таълим жараёнининг шахсга қаратилганлиги, ижодий индивидуаллик, юксак фуқаролик, маънавий, интеллектуал ва жисмоний хусусиятларни ривожлантириш ҳамда юзага чиқаришга қаратилган, танланган касбга мос ўқитилаётган билимларни эгаллаш учун мумкин қадар қулай муҳит яратишдан иборат.

Янги ахборот технологияларини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги тамойили. Янги ахборот технологиялари ўқитиш тизимининг ҳамма таркибий қисмларига, мақсад, мазмун, ўқитиш усуллари ва ташкилий шакллари, ўқитиш воситаларига ўз таъсирини кўрсатади. Бу эса педагогиканинг мураккаб ва долзарб масалаларини, яъни интеллектуал инсоннинг ижодий имкониятлари, таҳлилий фикрлаш ва мустақиллигини ривожлантириш муаммоларини ечишга имкон беради.

Хавфсизлик тамойили. Ушбу тамойил махфий ахборотни ҳимоя қилиш, ёлғон ахборот тарқатилиши, ўқитишнинг қалбакилиги ва юзакилигига чек қўйиш каби кенг қўламдаги тадбирларни ўз ичига олади.

Илгарилаб кетувчи таълим тамойили. Бунда нафақат ўтган авлодларнинг йиғқан илмий ва маданий меросини янги авлодга етказиш, балки тез ўзгарувчан дунёга мослашишга ёрдам бериши мумкин бўлган онг ва дунёқарашни шакллантиришдан ҳам иборат.

3.2. МТнинг ташкилий асослари.

МТ технологияларини қўлловчи чет эл таълим муассасалари фаолиятининг таҳлили қуйидаги умумий ва барчага хос ҳамда ташкилий хусусиятларни аниқлаб берди:

- ўқитишнинг узлуксизлиги;
- ўқув жараёнини олиб боришга ошкоралик ва индивидуал иҳиҳатдан ёндашиш;
- етакчи ОҲЮ негизидаги марказ бошчилигида узоқ жойлардаги ўқув-маслаҳат бўлинмаларининг фаолиятларини такомиллаштириш ва марказлаштириш;
- таълим олувчиларга йўналиш ва фанлар бўйича ўқитувчи-маслаҳатчилар (тюторлар) бириктирилганлиги.

3.3. МТнинг услубий асослари ва ўқитиш воситалари.

Ўқитиш усули — ўқитиш мақсадларига етиш учун ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро фаолияти меъёрлари тизими ҳақида назарий тушунча берувчи дидактик тоифа.

Ўқитиш мазмуни — ўқувчиларда касбий малака ва меҳнат фаолиятининг бошланғич тажрибаси йиғилишига ёрдам берувчи ўқув ахборотининг таркиби, тузилиши, материали ҳамда ўқувчиларга бериладиган масала, топшириқ ва машқлар мажмуаси.

Ўқитиш воситалари — ўқитиш мазмуни ва ўқувчиларнинг ўқиш ва билим олиш фаолиятини бошқариш ҳамда назорат қилишдир.

Анъанавий ўқув жараёнида ушбу воситалар — босма нашрлар, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, маълумотномалар, ўқув ахбороти ёзилган дискеталар, доскадаги ёзувлар, кўргазма воситалари, кинофилм ва видеофилмлар ҳамда ўқитувчининг нутқи қўлланилади.

Масофавий таълим олишда ўқитиш воситалар қўлами анча кенг ва анъанавийлардан ташқари қуйидагиларни ҳам ўз ичига олади:

- ўқув адабиётининг электрон нашри;
- компютер ўқув тизимлари;
- аудио, видео ва бошқа ўқув материаллари;
- электрон дарсликлар;
- маъруза матнларининг электрон шакли;
- виртуал устахоналар ва тажриба стендлари.

Ўқув адабиётининг электрон нашри босма нашрнинг ҳамма хусусиятларига эга бўлиши билан бир қаторда ижобий тафовут ва афзалликлари ҳам ўз ичига олади. Аниқроқ қилиб айтганда, ўқув материалларини компютер хотирасида ёки дискета (диск)да сақлашда ихчамлик, гиперматн имкониятлари, қўллаш қулайлиги, кўпайтириш имконияти, оператив равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш имконияти, электрон почтадан юбориш қулайлиги мавжуд. Бу — мустақил равишда билим олиш ва назорат қилиш учун тегишли ўқув фанидан дидактик, услубий ва изоҳли ахборот материалари ҳамда дастурий таъминотдан иборат автоматлаштирилган ўқитиш тизими.

Компютерли ўқитиш тизимлари — МТ жараёнида кенг қўлланувчи, ўқитишнинг дастурий воситалари. Улар қуйидагиларга имконият яратади:

- ўқув жараёнини дифференциаллаштириш ва ёндашувни индивидуаллаштириш;
- ўқувчи хатоларини таҳлил қилиш ва қайта алоқа ёрдамида назорат қилиш;
- таълим-тарбия жараёнида ўз устида ишлаш ва назоратни таъминлаш;
- мураккаб ҳисоб-китобларни компютерда бажариш ҳисобига ўқитиш вақтини қисқартириш;
- визуал ўқув ахборотини намойиш этиш;
- жараён ва ҳодисаларни моделлаштириш ва имитация қилиш;
- виртуал реаллик шароитида тажриба ишларини, эксперимент ва тажрибалар ўтказиш;
- оптимал қарорларни қабул қилиш қобилиятини шакллантириш;
- ўйинли вазиятларни қўллаш орқали ўқув жараёнига қизиқишни ошириш;
- билим олиш маданиятидан воқиф қилиш ва бошқалар.

Аудио ва видео ўқув материаллари — ўқув материаллари магнит ташувчилар, аудио ва видеокассеталарга ёзиб олинади ва ўқувчига тегишли техникавий воситалар (магнитофон, видеомагнитофон ёки CD-ROM лазер компакт дисклари) ёрдамида тақдим этилиши мумкин.

Электрон дарсликлар — гипербоғланиш элементлари, анимация ва аудио эффектлари ҳамда билимни мустақил назорат қилиш тизими бўлган, махсус ишлаб чиқилган ёки танланган дастур ёрдамида ифода этилувчи ўқув материаллари.

Маъруза матнларининг электрон шакли — апробация ва экспертизадан сўнг таълим портали ёки серверга жойлаштирилган ўқув адабиётининг тўла ҳуқуқий мақомига эга бўлган маъруза матни.

Виртуал устахоналар ва тажриба стендлари — жиҳозларнинг компютер-имитацион модели.

Компютер тармоқлари — алоқа каналлари ёрдамида уланган компютерлар ва турли хилдаги ахборот мажмуасини ўз ичига олувчи ўқув воситаси.

Интернет глобал тармоғи — МТда кенг қўлланувчи интеграл воситадир.

Интранет тармоғи — Интернетга ўхшаб интеграл восита ҳисобланади ва унинг технологиясига асосланган. Интернетдан фарқли равишда Интранет чегараланган ахборот кенглигини қамраб олади.

3.3.1. МТнинг асосий моделлари.

«Масофавий таълим»ни муайян ёки барча ўқувчи ва ўқитувчилар масофавий тарзда бир-биридан ажратилганлик хусусиятига эга бўлган турли таълим моделлар акс эттиради. Таълимнинг бошқа шакллари каби МТнинг турли моделлари ўқув жараёнининг қуйидаги асосий қисмлари асосида қурилган бўлади:

- фан мазмунини баён қилиш;
- ўқитувчилар билан ўзаро муносабат;
- амалий топшириқларни бажариш;
- ўқув жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш.

Ўқитиш жараёнининг фойдаланиладиган таркибий қисмига қараб жаҳонда кўп моделлар қўлланилади. МТнинг ҳар бир модели мазкур қисмларга у ёки бу тарзда таъсир этувчи технологияларни ишлатади.

МТнинг турли моделлари фақат уларда фойдаланаётган технологиялар билан эмас, балки бошқарув даражаси ва ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг масъулияти билан ҳам фарқланади. Айрим моделларда анъанавий синфдаги ўқитиш тизимига хос ўқитувчилар ва билим юрти томонидан ўқитиш жараёнини тўлиқ бошқариш амаллари сақлаб қолинади. Бошқа ҳолларда ўқитишни бошқариш таълим олувчиларга ўтади. Бу мақсадларда қуйидаги моделлар мос қўлланиладиган ҳисобланади:

1. Тақсимланган синф модели.
2. Мустақил ўқитиш модели.
3. «Очиқ ўқитиш + синф» модели.

1.Тақсимланган синф модели бир синфга мўлжалланган курсни интерактив телекоммуникация технологиялари орқали ҳар хил жойларда жойлашган талабалар гуруҳларига тарқатиладиган ҳолларда қўлланилади. Типик натижа — бу анъанавий йўл билан ўқитилаётган ва масофавий талабаларни бирлаштирадиган аралаш синф. Билим юрти ва деканат ўзлаштиришни назорат қилади. Мазкур моделнинг хусусиятлари:

- машғулотлар ўз ичига синхрон коммуникацияларни қамраб олади. Талаба ва ўқитувчилар камида ҳафтада бир маротаба маълум жойда ва маълум вақтда бўлиши шарт;
- иштирокчилар сони бирдан бешгача ва ундан кўпроқ бўлиши мумкин. Иштирокчилар сони қанчалик кўп бўлса, техникавий, мантиқий ва англаб олишдаги мураккаблик шунчалик ошади;
- таълим олувчиларга ўз ўқув жойини билим юртига қараганда уйда ёки ишхонада ташкил этиш қулайроқ;
- билим юртлар у ёки бу жойда жойлашган унча кўп бўлмаган талабаларга хизмат кўрсатишга қодир;
- талаба ҳамда ўқитувчиларга мимика ва бошқа матнсиз етказиладиган ўқитиш жараёнида муҳим бўлган маълумот четда қолади.

2. Мустақил ўқитиш модели талабаларни маълум вақтда маълум жойда бўлиш заруриятидан холи қилади. Талабалар ўз ичига курс баёни ва батафсил дастурни қамраб олган материаллар жамламаси билан таъминланади ва улар бошқарув билан шуғулланувчи, саволларга жавоб бериш ҳамда вазифани баҳоловчи факултет ходимига мурожаат қилиш имкониятига эга бўлишади.

Талаба ва услубчи ўртасидаги мулоқот телефон, компютер конференциялари, электрон ва оддий почта орқали амалга оширилади.

Моделнинг хусусиятлари:

- синфда машғулотлар ўтказилмайди: талабалар дастурнинг батафсил йўриқномаларига

риоя қилиб, мустақил равишда таълим оладилар;

- талабалар услубчи ва баъзан бошқа талабалар билан мулоқот қиладилар;

- курс мазмунини ифодалаш талабаларга қулай бўлган ихтиёрий вақтда фойдалана оладиган босма нашрлар, компютер, диск ёки видеоёзувлар орқали амалга ошади;

- курс материаллари бир неча йил мобайнида ишлатилади ва одатда курс яратувчилари, экспертлар ва ўқитиш муҳитлари бўйича мутахассислар иштирокидаги таркибийлашган ишлаб чиқиш жараёнининг натижаси бўлади.

3. «Очиқ ўқитиш + синф» модели ўз ичига курснинг босма кўринишдаги баёнини ва бошқа воситаларни (масалан, видеоёзувлар ёки компютер дисклар) қамраб олган. Бу имкониятлар талабага курсни мумкин қадар энг юқори тезлик билан ўқиши, масофавий гуруҳ ичида талабаларни ўзаро мулоқотини интерактив телекоммуникация технологиялар ёрдамида ташкил этиш билан бирлаштирилган ҳолда ўқитишдир.

Хусусиятлари:

- курс мазмунини ифодалаш талабаларга қулай бўлган ихтиёрий вақтда, индивидуал равишда ёки гуруҳда, фойдалана оладиган босма нашрлар, компютер, диск ёки видеоёзувлар орқали амалга ошади;

- курс материаллари бир семестрдан кўпроқ ишлатилади ва ҳар бир ўқитувчи учун фарқланади (масалан, унинг маърузаларининг видеоёзуви);

- талабалар мунтазам равишда ўқитувчи иштирокида биргаликда дарслар ўтказиш учун йиғилишади. Бунда «Тақсимланган синф моделига кўра» интерактив технологиялардан фойдаланилади;

- синфдаги дарслар талабалар асосий тушунчаларни муҳокама қилиш ва аниқлаш, масалалар ечиш маҳоратини олиш, биргаликда (гуруҳда) ишлаш, тажриба ишларини бажариш, моделлаштириш ва бошқа амалий тадқиқотларни олиб бориш учун ўтказилади.

Қайси моделни қабул қилишдан қатъи назар бир нечта талабларни қўйиш мумкин:

- ўқув материалларни тарқатиш тизимининг ташкил этишда барча ўқувчилар уларни ўз вақтида олиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Таълим олувчилар вазифаларни бажариш, гуруҳ ёки синфдаги дарсларда қатнашиш («А» ва «В» моделларда), ўқитувчи билан ўрнатиладиган қайта мулоқотдан мумкин қадар максимал фойда олиш учун барча зарур материалларни олишлари керак. Бошқа минтақаларда жойлашган ўқувчилар ноқулай вазиятга тушиши керак эмас;

- агар билим юрти ёзма имтиҳонлар ўтказишга қарор қилса, имтиҳонлар ўтказиш тартиби атрофлича ўйлаб чиқилиши ва ташкил қилиниши керак. Имтиҳонлар билим юртнинг ўзида ёки узоқда жойлашган махсус имтиҳон ўтказиш пунктларда ўтказилиши мумкин. Имтиҳон топширувчиларнинг шахси фотосурат ёрдамида тасдиқланади. Имтиҳон ўтказилаётган барча жойларда топширувчилар учун бир хил шароитлар таъминланиши зарур. Бу тегишли кузатиш ва назорат қилиш техник тизимлар ёрдамида амалга оширилади. Таълим олувчиларга имтиҳон ўтказувчини, билим юрти томонидан маъқулланган ўқитувчилардан танлаш имконияти берилиши муҳим. Имтиҳонлар ўтказилиш пайтида, имтиҳон вазифаларини тузишдан бошлаб то баҳолар чиқаргунча, махфийлик пухталик билан таъминлаши керак. Имтиҳонни ўтказишдан олдин ва ундан кейин материалларга фақат маълум кишилар мурожаат қилишлари мумкин, материаллар маълум иш жойида ёки кабинетда сақланиши лозим. Эҳтиёткорлик чораси сифатида имтиҳон ишларини текшириш учун юборишдан олдин уларнинг нусхасини олиш усули қўлланилади;

- билим юрти масофавий таълимот фаолиятидан зарар кўриши мумкин. Бу телефон гаплашувлар ва компютер қисмлар, почта харажатлари, хизмат сафарлари билан боғлиқ чиқимлар. Билим юртининг шундай харажатларга нисбатан сиёсати аввалдан белгиланиши зарур;

- билим юртининг ташқарисида жойлашган таълим олувчилар махсус таълим хизматлар тизимига муҳтож. Ўқувчиларнинг жойларга бориб дарс берувчи ўқитувчи билан бўлган мулоқоти ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки барча турдаги билим юртлар ҳамма ўқувчиларига тегишли маълумотни тўлиқ ва ўз вақтида келишини таъминлаш керак. Маслаҳат беришлар телефон ва электрон почта орқали ёки юзма-юз кўчма маслаҳат бериш пунктларида амалга оширилиши мумкин;

- ўқитишга бевосита боғлиқ бўлмаган маълумотлар манбаларига эркин мурожаат этиш таъминланган бўлиши керак. Ўқувчилар шундай маълумотлар билан боғлиқ масалалар билан кимга мурожаат этишни яхши билишлари лозим. Кўпинча бунга сиртқи ўқитишга мўлжалланган босма материаллар ёрдамида энг яхши натижаларга эришилади;

- одатда ўқитувчилар ўқувчиларга индивидуал маслаҳатлар бериш учун маълум вақтларга эга. Масофавий ўқувчиларни ўқитувчи билан боғланиш учун имконият яратиб берувчи механизм йўлга қўйилиши керак. Ўқитувчи ўқувчиларга ўз телефон рақами, қабул соатлари, электрон почта манзилини маълум қилиши мумкин. Аудитория дарслари пайтида ўқитувчилар умумий муаммоларни муҳокама қилиши ва масофавий ўқувчилар билан боғланиш учун ажратиладиган коммуникация технологияларидан фойдаланиш вақтини (дарслардан олдин ёки кейин, танаффуслар вақтида) маълум қилиши лозим;

- анъанавий ўқув курсларининг кўп ўқув дастурларида кутубхоналар, илмий тажрибалар, компютер ускуналари ва дастурий таъминот каби билим юртларининг ресурсларидан осон фойдаланиш кўзда тутилган. Масофавий ўқитиш ўқитувчилари маъмурият билан биргаликда ўқувчилар ўқув базасидан фойдалана ололмайдиган ҳолда масофавий ўқитиш мақсадларига қандай эришиш мумкин каби муаммони пухта ўйлаб кўриши муҳим аҳамиятга эга. Баъзи ҳолларда бу масаланинг ечими олий ўқув юртлари базасини ишлатиш, компютер ва компютер тизимларидан янада кенгроқ фойдаланишда ифодаланади.

Масофавий моделлар билан боғлиқ специфик технологиялар:

А. Тақсимланган синф модели.

- ўқитиш телевидениеси (ITV);
- видеоконференция;
- аудиоконференция;
- аудиографик конференция.

Б. Транформациялаш модели.

- компютер конференцияси;
- мустақил ўрганишга мўлжалланган тайёрлов материаллари (босма материалларда асосланган мустақил таълим олиш, телекурслар).

Масофавий ўқитиш курсларининг энг кўп учрайдиган хусусияти сифатида синхронликни кўрсатишади. Лекин реал вақт тарздаги ўқитиш ҳам қўлланилади. Дастурий таъминот ўз ичига йўриқномалар, матн ва графиклар кўринишидаги кадрлар, компютер анимациялари, видео ва аудиоклиплар каби иловаларни қамраб олади. Бу тизим кейинчалик шаклланадиган виртуал синфга босқич деб ҳисобланиши мумкин. Ўқитиш биринчи навбатда ишдан ажралмаган ҳолда қайта тайёрловни ўтишни хоҳловчи корпорация ходимларига мўлжалланган. Ҳар бир таълим олувчи олдиндан дарслар жадвали ва дастурий таъминотни олади. Белгиланган вақтда ўз исми ва паролини киритиб, у видеоконференцияга уланади.

Икки томонлама видеоконференция тарздаги ўқитишда анъанавий муҳит синфини қайта вужудга келтиришга ҳаракат қилинади. Ўқитувчи ва талабалар бир хил ўқув дастурлар таъминотига эга. Иш станцияларидан бири ўқитиш жараёнини бошқаришга ишлатиш мумкин, қолганлари эса етакчи ҳаракатларини кузатиб боради. Етакчи сифатида ўқитувчи бўлиш шарт эмас. Маълум вақтда у бошқарув жиловларини талабалардан бирига узатиши мумкин.

Виртуал синфдаги ўқитишнинг қуйидаги педагогик тарафларига аҳамият берилиши керак:

- ўқитувчи фақат курс мазмунини етказиш механизми бўлиши керак эмас. Виртуал синфда ўқитиш моделини ривожлантириб, ўқитувчи талабаларга курс материаллари юзасидан ўзининг мустақил тушунчасини шакллантиришга ёрдам беради;

- ўқитиш олий даражада интерактив жараён ҳисобланади. Ўқитувчи ва таълим олувчи диалог иштирокчилари бўлиб, ушбу жараёнда ҳар бирининг билимлари ўзгача шаклланади, янада аниқланади, материалнинг қандай ўзлаштириш чуқурлиги текширилади;

- таълимотнинг амалиётга яқинлиги алоҳида аҳамиятга эга. Таълим олувчиларга улар олаётган билимлар синфнинг ташқарисида ҳам қадрлилигини ишонтириш учун уларга амалиётдаги етакчи мутахассислар билан мулоқот қилиш имконятини яратиш тавсия этилади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бундай мулоқотни масофавий ўқитишда ташкил этиш осонроқ;

- талабаларни ахборотларни қайта ишлашга мўлжалланган қудратли дастурий воситалар билан таъминлаб, ўқитишни такомиллаштириш мумкин. Бундай воситалар талабаларга реал амалий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ечиш ва реал ахборотлар билан ишлаш имкониятларини яратади. Бундай ёндашиш предмет тўғрисидаги мустақил тушунчани шаклланишига ва ўқитишни индивидуал стратегияларини қўллаб-қувватлашга кўмаклашади;

- биргаликда таълим олиш олий таркиблашган, тизимли стратегия бўлиб, унда талабалар катта бўлмаган гуруҳларда битта умумий муаммо устидан иш олиб боришади. Бу стратегия ўқитишни фаоллигини, талабаларни ўқув жараёнига бўлган ижобий муносабатини таъминлайди ҳамда уларнинг мустақиллигини оширади. Мустақилликнинг ошиши талабалар учун ижобий мақсад деб ҳисобланади, чунки у талабаларнинг шахслараро мулоқот маҳоратига, раҳбарлик фаолияти ва ўз-ўзини баҳолаш қобилиятига таъсир кўрсатади. Гуруҳда ишлаган вақтда талабалар суст кузатувчи бўла олмайди, ҳар бир иштирокчининг улуши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Жамоа бўлиб ишлаш инсон фаолиятининг аксарият соҳаларида кундан кунга кенгроқ ишлатилаётган ташкилий стратегияга айланмоқда.

3.4. Ўқитишнинг ташкилий шакллари.

Олий ўқув юртларининг педагогик амалиётида яхши маълум бўлган ўқитиш шакллари (турлари) ишлаб чиқилди. Улардан маърузалар, семинарлар, тажриба машғулотлари, назорат ишлари, имтиҳонлар ва бошқалар энг кенг тарқалган ҳисобланади.

Масофавий ўқитишда маърузалар анъанавий аудиторияларда ўтказиладиган маърузалардан фарқли ўлароқ ўқитувчи билан бевосита мулоқотни инкор қилади, лекин бир қатор афзалликларга ҳам эга. Маърузаларни ёзиш учун аудио ва видеокассеталар, силиром дисклар ва бошқалар ишлатилади. Янги ахборот технологияларидан фойдаланиш (гиперматн, мултимедиа) ГИС-технологиялар, виртуал ҳақиқийлик ва бошқалар, маърузаларни маъноли ва кўргазмали қилади. Маърузаларни тайёрлаш учун кинематографнинг барча имкониятларидан фойдаланиш мумкин: режиссура, сценарий, артистлар ва ҳоказо. Бундай маърузаларни хоҳлаган вақтда ва хоҳлаган масофада эшитиш мумкин. Ундан ташқари, материални матнлашга ҳожат йўқ.

Масофавий ўқитишдаги семинарлар ўқув машғулотларининг фаол шакли ҳисобланади. Масофавий ўқитишдаги семинарлар видеоконференциялар шаклида ўтказилади. Улар баҳсга унинг хоҳлаган нуқтасида қўшилишга бир неча қадам орқага қайтиш ва аввал билдирилган фикрларни ўқишга имконият беради. Баҳс иштирокчининг фаоллик даражасига қараб ўқитувчи материал ўзлаштирилганлигини баҳолаши мумкин. Талабалараро мулоқотлар сони кўпаяди. Ўқитувчининг ўзи эса тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида қатнашади.

Таълим олувчиларнинг ишини бошқариш ва уларга фанни мустақил ўрганишда ёрдам бериш шаклларидан бири масофавий ўқитишнинг маслаҳатларидир. Бунда телефон, электрон почта ҳамда телеконференциялардан фойдаланилади. Маслаҳатлар педагогга таълим олувчининг интелект, эътибор, хотира, тасаввур этиш ва ўйлаш каби шахсий хислатларини баҳолашга ёрдам беради.

Масофавий ўқитишдаги тажриба ишлари материални амалий ўзлаштиришга қаратилган. Анъанавий таълим тизимида тажриба ишлари махсус ускуналар, макетлар, имитаторлар, тренажерлар, кимёвий реактивлар ва бошқаларни талаб қилади. Масофавий ўқитишнинг имкониятлари кейинчалик тажриба амалиётини ўтказиш масаласини мултимедиа технологиялар, ГИС-технологиялар, имитацион моделлаш ва бошқалар ҳисобига сезиларли даражада соддалаштириш мумкин. Виртуал ҳақиқийлик таълим олувчиларга оддий шароитларда кўрсатилиши қийин бўлган ёки умуман кўрсата ололмайдиган ҳодисаларни намойиш этиш имкониятини беради.

Масофавий ўқитиш назорати - бу таълим олувчи томонидан ўқув материалини назарий ва амалий ўзлаштирилганлиги натижаларини текширишдир. Масофавий ўқитишда тест синови ўзини оқлади ва тан олинди. Тест одатда фан бўйича саволларнинг кенг рўйхатидан иборат. Ҳар бир саволга бир неча жавоб вариантлари таклиф этилади. Талаба бу вариантлар ичидан тўғри жавобни танлаши керак. Тестлар ўз-ўзини назорат қилишга яхши мослашган ва индивидуал машғулотларда жуда фойдали.

3.5. Фундаментал информатика масофавий таълимнинг ажралмас қисми сифатида.

Масофавий ўқитиш иштирокчилари (тингловчилар ва педагоглар) масофавий таълимотнинг усулларидан, восита ва ташкилий шаклларидан фойдаланишни билишлари учун маълум бир даражадаги тайёргарликка эга бўлишлари керак. Шунинг учун МТнинг ажралмас қисми, табиий-илмий фан сифатида фундаментал информатика бўлиши керак.

3.6. МТнинг ахборот-технологик асослари.

3.6.1. Ахборот технологияси.

Ахборот технологияси (АТ) - объект, жараён ёки ҳодисанинг ҳолати тўғрисида янги сифатли ахборотни олиш учун ахборотларни (бирламчи маълумотлар) йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш воситалари ва усулларини йиғиндисидан фойдаланувчи жараёндир.

Ахборот технологиялар таълим маҳсулоти ва хизматларни яратиш воситасидир.

Таълим маҳсулоти - бу ўқув жараёнига жорий этиш учун шакллантирилган маълумотлар йиғиндиси.

Таълим хизмати - бу таълим маҳсулотларини олиш ва уларни МТ фойдаланувчиси тасарруфига бериш.

Янги ахборот технологияси - бу персонал комютер ва телекоммуникация воситаларини ишлатувчи "дўстона " интерфейсли ахборот технологияси.

Жамиятнинг ахборотлаштириш - бу ахборот ресурсларини шакллантириш ва ишлатиш негизида фуқаролар, давлат ҳокимлик идоралари, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув идоралари, ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмаларининг ахборот эҳтиёжларини қондириш ва ҳуқуқларини амалга ошириш учун оптимал шароит яратувчи тартибга солинган ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник жараён.

Таълимни ахборотлаштириш - жамиятни ахборотлаштиришнинг муҳим элементларидан биридир.

Таълимни ахборотлаштириш қуйидагиларга имкон беради:

- жамиятнинг ҳар бир аъзосига билим ва ахборот олиш учун имкониятни таъминлаш;

- шахснинг интеллектуал ва ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш;

- жамият ҳар бир аъзоси умрнинг фаол даврида малакасини ошириш ва фаолият соҳасини оператив ўзгартириш;

- илгарилаб кетувчи ва масофавий таълимотнинг самарадорлигини ошириш учун зарур шароитларни таъминлаш.

Таълим маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш учун қуйидаги ахборот технологияларидан фойдаланилади:

- маълумотларга ишлов бериш ахборот технологиялари гуруҳларга бўлиш, саралаш, маълумот ва ҳисобни йириклаштиришга мўлжалланган;

- бошқарув ахборот технологиялари таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва бошқарув билан боғлиқ барча иштирокчиларнинг истисносиз ахборот эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган;

- қўллаб-қувватлаш ва қарорларни қабул қилиш ахборот технологиялари МТ иштирокчиси ва компютернинг ўзаро мулоқотини ташкил этишга мўлжалланган;

- эксперт тизимлар ахборот технологиялари МТ фойдаланувчиларига мазкур тизимларда жойлашган фанлар билимлари бўйича экспертлардан маслаҳатлар олишга мўлжалланган;

МТ иштирокчиларини коммуникациялаш ахборот технологиялари МТ иштирокчиларининг оператив алоқасига ва ўзаро ҳаракатини таъминлайди. Бунга қуйидагилар киради:

- электрон почта (E-mail), компютерлардан ягона тизим кўринишида фойдаланишга асосланиб, тингловчи ва ўқитувчиларга ахборотлар билан алмашишга имконият беради;

- эълонлар компютер тахтачаси ўқув жараёнининг барча иштирокчиларига маълумот узатишга мўлжалланган. Улар ягона тизимда амалга оширилади;

- телефон орқали овоз ёрдамида ахборот алмашинувини таъминловчи аудио-почта. Унинг таркибига аудио-сигналларни рақамли кодга ва қайта кўринишга айлантирувчи ва компютерда рақам шаклида сақловчи махсус мослама киради. Ягона тизимда амалга оширилади;

- компютер конференциялари гуруҳда баҳслар ўтказиш учун ягона компютер тизимларини ишлатади. Аудио конференция қўшимча мослама ўрнатилгандан кейин сўзлашувда икки кишидан кўпроқ иштирокчилар қатнашишини таъминловчи телефон алоқаси орқали амалга оширилади;

- видеоконференциялар видеоаппаратуралар ёрдамида ўтказилади. Унинг иштирокчилари бир-биридан узоқда жойлашганлигига қарамасдан телеэкранда ўзини ва бошқа иштирокчиларни кўриш ва эшитишлари мумкин;

- телеконференция ўз ичига уч турдаги конференцияларни қамраб олади;

- факсимил алоқа маълумотни коммуникацион канални бир бошида ўқиб, иккинчи бошида тасвирлаш имкониятини берувчи факс аппаратини ишлатишга асосланган.

Сервис ва кўргазмали таъминот ахборот технологиялар қуйидагилардан иборат:

- видеоматн монитор экранида матн ва график маълумотлар аксини олиш учун компютерни ишлатишга асосланган;

- тасвирларни сақлаш - ҳужжатлар аксини рақам шаклида улкан ҳажмга эга бўлган оптик дискларда сақлаш учун ишлатилади;

- матнли процессор - матн шаклидаги ҳужжатларни яратиш ва ишлаб чиқишга мўлжалланган;

- жадвалли процессор - жадвал кўринишдаги маълумотлар устидан кўп сонли амаллар бажаришга, уларни диаграмма ва график кўринишга келтиришга, муҳандислик, молиявий ва статистик ҳисоб-китоблар ўтказишга имконият беради;

- мултимедиа ахборотларни бир вақтда турли кўришда тасвирлашга мўлжалланган. Уч ўлчовли компютер графика, овозли ва видеоқатор, виртуал ҳақиқийлик интерфейслар ва ҳоказо;

- гиперматн матннинг ҳар хил қисмларида бўлиниш нуқталарини ташкил этади. Бу эса матннинг аввалги жойига қайтиш ёки хоҳлаган бўлиниш нуқтасига ўтиш имкониятини беради. Электрон дарсликларни яратишда кенг ишлатилади.

Геоахборот технологиялар геоахборот тизимларни (ГАТ) яратишга мўлжалланган. Бу тизимларда интеграция ва маълумотлар йиғиш, биринчи навбатда атрофлича таҳлил усулларини ишлатувчи, юқори даражадаги автоматлаштирилган бошқарувнинг барча масалалари принципиал равишда ечилади. Эксперт тизими қарорларни қабул қилиш тизими бўлиб, ГАТ нинг таркибий қисми сифатида хизмат қилади. Умуман олганда, (геоахборот технологияси) ГАТ - технология деб номланади.

3.6.2. Ахборот технологияларининг масофавий таълимдаги истиқболлари.

Ахборот технологияларини таълимотда қўллаш келажакда виртуал шаклдаги ўқитишга ўтиш учун замин яратади. Бу - таълим олувчи ўз уйида туриб, гўёки машғулотда ёки бошқа шароитда, масалан, ўрганилаётган ҳудуд устидан учиб кетмоқда, вақтда ва масофада сайр қилмоқда, жарроҳлик операциясини бажармоқда, буюк олимлар ва педагоглар билан мулоқотда бўлмоқда, демакдир.

Телекўрсатувларни одатдагидек кўришдан виртуал ҳақиқийлик шу билан фарқланадики, гўё таълим олувчи экранда содир бўлаётган воқеаларда иштирок этаётгандек: саволлар беради ва уларга жавоб қайтаради. Талаба жаҳоннинг исталган нуқтасида жойлашган, хоҳлаган таълим муассасасини танлаши ва унга уйдан чиқмасдан кириши мумкин. Виртуал тренажерлар тўла ҳақиқийлик таассуротини яратади. Визуал ва овоз элементлари сифатини яхшилаш

билан ҳақиқийликни унинг барча кўринишида моделлаш амалга оширилади. Бу маънода ГАТ - технологиялар ёрқин келажакка эга.

3.6.3. МТнинг ягона тизими ва телекоммуникация технологиялари.

Ягона компютер тизими - бу алоқа каналлари ёрдамида ягона тизимга бирлаштирилган ва маълумотлари таксимланган ишлаб чиқиш талабларига жавоб берадиган компютерлар ва атамалар йиғиндиси. Компютер ягона тизимлари бошқача ҳисоблаш тизимлари деб ҳисобланади.

Ҳисоблаш ягона тизимлари учта асосий - локал, минтақавий ва глобал тоифага бўлинади.

Локал ҳисоблаш ягона тизими Сервер ва ишчи станция йиғиндисидан иборат.

Сервер - бу ягона тизимга уланган ва унинг фойдаланувчиларини маълум турдаги хизматлари билан таъминлайдиган компютер.

Ишчи станция - бу ягона тизимга уланган ва фойдаланувчиларни амалий масалаларини ечиш учун керак бўлган барча зарур воситалар билан таъминловчи компютер.

Минтақавий ягона тизим - бу локал ҳисоблаш тизимларининг бирлашмаси.

Бирлаштириш усуллари:

- **кўприк** - маълумотлар узатишнинг бир хил усулларини қўлловчи иккита ягона тизимни бирлаштирадиган мослама;
- **маршрутизатор** - битта операцион тизимни ишлатувчи лекин ҳар хил турдаги ягона тизимларни бирлаштирувчи мослама;
- **шлюз** - ўзаро ҳаракатнинг ҳар хил тартибларини қўлловчи иккита ягона тизимлар ўртасида маълумотлар алмашинувини ташкил қилишга имконият берувчи мослама.

Ягона тизимнинг мисоли сифатида Интернетни келтирса бўлади. Интернетнинг ягона ахборот тизими МТ ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Интернет Серверлари (катта ҳажмли дискларга эга бўлган қудратли компютерлар) бутун дунёга ёйилган ва катта (ёки ўнча катта бўлмаган) тезликли линияларга уланган. Фойдаланувчиларнинг аксарияти бу тизимга персонал компютер ёрдамида телефон тармоғи орқали уланади.

Персонал компютерни телефон линияси билан уланиши модем (модулятор-демодулятор) орқали таъминланади. Матннинг бир бетини узатиш - бир сония, рангли сурат эса - бир дақиқа вақтни олади.

ТСР/IP баённомалари унинг транспорт даражасини белгилаб, тақсимланган ҳисоблашларни қувватлайди ва осонгина масштабланади. Интернет томонидан кўрсатилган йўл МТ бўлажак тизимини кўп элементларини аввалдан аниқлайди.

3.6.4. Илмий ва ўқув ахборотлардан узоқдан фойдаланиш;

World Wide Web ёки www "бутун жаҳон ўргимчак толаси" Интернетнинг энг оммалашган иловаларидан бири ҳисобланади. Бу илова Интернетга уланган бир гуруҳ Серверлар бўлиб, улар ахборотларни график кўринишда тақдим этади. Агар бундай Серверларни бирига уланса, персонал компютер экранида бир нечта гиперуланишли саҳифа пайдо бўлади. Гиперуланиш "сичқонча"ни босиш билан ҳаракатга келади ҳамда қўшимча ахборотлар ва бошқа гиперуланишли саҳифага ўтилади. Фойдаланувчи ўзининг www саҳифасини ташкил этиб, шахсий электрон манзилини рўйхатдан ўтказади ва шу манзилга бошқа фойдаланувчилар томонидан мурожаат қилиш имкониятини яратади.

3.6.5. Ахборот технологиялар ва масофавий ўқитиш минтақавий марказлари (АТМҲМ) ҳамда уларнинг МТ таъминлашидаги аҳамияти:

АТМҲМ - бу давлат ёки нодавлат ўқув илмий-ишлаб чиқариш тузилма. Шундай марказларни ахборот компютер технологиялар бўйича (АКТ) базавий олий ўқув юртларида ёки ички ва ташқи ахборот тузилмаси ривожланган олий ўқув юртларида ташкил этиш тавсия қилинади.

АТМҲМ фаолиятини асосий йўналишлари қуйидагича:

- янги технологияларни минтақадаги таълимот тизимида ишлатишни ва ривожлантиришни ҳар томонлама қувватлаш;
- давлат ҳокимлик идоралари, илмий, таълимот, тиббий ва бошқа бюджет ташкилотларни телекоммуникация муҳитини барпо этиш;
- Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини минтақавий қисмларини ташкил қилиш;
- меҳнат ресурслари мониторингги минтақавий тақсимланган ахборот тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш;
- индивидуал фойдаланувчиларга хизматлар кўрсатиш;
- ахборотлаштириш ва янги технологиялар йўналишида минтақаларда маърифий ишларни олиб бориш;
- маъмурият, давлат ва нодавлат муассасалар, ёшлар ҳамда жамоат ташкилотлар фаолиятини ахборотлаштириш дастури масалаларида мувофиқлаштириш.

3.7. МТнинг иқтисодий асослари;

МТнинг иқтисодий ютуғи асосан таълим олувчиларнинг сонига боғлиқ. Уларнинг сони қанчалик кўп бўлса, иқтисодий самара шунчалик катта бўлади. Бу ҳолда асбоб-ускуналар билан таъминлашга, электрон босмалар тайёрлашга, ўқитувчиларни ўқитишга ва бошқа қилинган харажатлар тезда ўзини оқлайди.

Ўқитишни масофавий тури таълим олувчи ўзига қулай бўлган вақтда, жойда, сурьатда ҳамда марказ ўқитувчилар билан мулоқотда бўлишга мавжуд компютер воситаларидан фойдаланиб, матн кўринишдаги ахборотлар билан алмашиб таълим олишни назарда тутади.

3.8. МТнинг маркетинг стратегияси;

Таълимот соҳасидаги маркетинг - бу бозор, устуворларни эркин танлаш шароитида таълим хизматлари ва маҳсулоти истеъмолчилар (фойдаланувчилар) билан муносабатлар ҳамда ўзаро ҳаракат ва икки томонлама қадриятлар билан алмашиш фалсафаси.

Маркетинг фаолиятини мақсадли натижаси -бу қуйидаги эҳтиёжларни мумкин қадар самарали қониқтириш:

- шахсни - таълимотда;
- ўқув муассасани - унинг ривожланишида ва ходимларини фаровонлигини оширишда;
- фирмалар ва бошқа ташкилотларни - кадрлар салоҳиятини оширишда;
- жамиятни - шахсий ва интеллектуал жамланган салоҳиятни кенг тақрор ишлаб чиқаришда.

Маркетинг нуқтаи назаридан таълим муассасани амалларига қуйидагилар киради:

- таълим олувчиларга сўралган ва керак бўлган билимларни олиш (узатиш) бўйича хизматлар кўрсатиш;
- таълимотга боғланган хизматлар ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва кўрсатиш, ҳамда бўлажак мутахассисларни шакллантирувчи таъсирларни амалга ошириш;
- бўлажак ва реал таълим олувчилар ва иш берувчиларга ахборот-воситачилик хизматларни кўрсатиш, жумладан, бўлажак иш шароитини, таълим хизматларни ҳамда маҳсулотларни молиялаштириш ҳажмини, тартибини ҳамда мавбаларни ва бошқаларни келишиш.

Воситачалик тузилмалар таълим маҳсулотлар ва хизматларни бозорда самарали илгарилашга кўмаклашади ҳамда қуйидаги амалларни бажариши мумкин:

- таълим маҳсулотлар ва хизматлар бозорининг конъюнктураси тўғрисида ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва сотиш (тақдим этиш); бошқа субъектларга маслаҳатлар бериш;
- таълим муассасаларни аккредитациялаш жараёнида иштирок этиш; реклама фаолияти ва ҳуқуқий қувватлашни амалга ошириш;
- сотиш каналларини шакллантириш, битимлар тузиш ҳамда уларни тузишга кўмаклашиш.

4. МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

4.1. Мақсадлар:

- мамлакатнинг турли хил ҳудудларида ва чет элда ўқувчиларга, талабаларга, фуқаролик ва ҳарбий мутахассисларга ҳамда умуман аҳолининг кенг табақаларига тенг таълим имкониятларини яратиб бериш;
- етакчи университетлар, академиялар, институтлар, тармоқ кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш марказлари, малака ошириш институтлари ва бошқа таълимот муассасаларининг илмий ҳамда таълим салоҳиятидан янада фаол фойдаланиш негизида таълимотнинг сифат даражасини ошириш;
- асосий фаолият билан биргалик равишда базавий ва қўшимча таълимот олиш имконияти;
- таълимот соҳасидаги инсоннинг эҳтиёж ва ҳуқуқларини мумкин қадар тўла қондиришга қаратилган Ўзбекистондаги таълимот муҳитни кенгайтириш;
- таълимотни кундузги ва сиртқи шаклларини, уларнинг такомиллаштириш ва ривожлантириб, интеграциялаш;
- узлуксиз таълимотга шароитлар яратиш;
- таълимотдан фойдаланиш имкониятини принципиал янги даражасини, уни сифатини сақлаган ҳолда, таъминлаш.

4.2. Вазифалар:

МТ қуйидаги ижтимоий мазмунга эга бўлган вазифаларни бажаришга кўмаклашиш керак:

- жамиятнинг таълим даражаси ва таълимнинг сифатини ошириш;
- аҳолининг таълим хизматларидаги эҳтиёжларини қондириш;
- давлатнинг малакали мутахассисларга бўлган талабини қондириш;
- аҳолининг ижтимоий ва касбий мослашувлиги, унинг тадбиркорлик ва ижтимоий фаоллиги, ўз-ўзини англаш, билим савиясининг кенглигини ошириш;
- миллий олий мактабда етиштирилган кадрлар салоҳиятининг, уларнинг билим ва моддий заҳираларини сақлаб қолиш ва ошириш;
- республика, Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари, бутун дунё ҳамкамияти миқёсида ягона таълим доирасини ривожлантириш; бунда таълим доирасининг барча нуқталарида ҳуқуқий мақомга эга бўлган ҳужжатлар билан тасдиқланган таълимот олиш имкониятини таъминлаш назарда тутилади;
- геосиёсий масалаларни ечиш.

4.3. ТМнинг таълимни ислоҳ қилиш жараёнларига таъсири;

МТ афзалликлари ҳамма учун аён бўлмоқда, Ўзбекистон таълим тизими учун эса муҳим актуаллиги қуйидаги жараёнлар таъсирида гавдаланмоқда:

- таълимга янги талаблар қўяётган иқтисодий ислоҳотларнинг давом этиши;
- таълимнинг янги таркиби ва технологияларига аҳолининг янгича эҳтиёжларининг вужудга келиши;
- халқаро, шу ҳисобда таълимотдаги, алоқаларни кўпайишига кўмаклашган сиёсий ўзгаришлар;
- таълим жараёни иштирокчилари орасида ахборот алмашувнинг сифат жиҳатдан янги техник воситаларнинг вужудга келиши ва тез ривожланиши;
- таълим хизматлар жаҳон бозорларида рақобатнинг кучайиши шароитида жаҳон халқаро интеграцияни юксалиши;
- жамият эҳтиёжларига адекват ва эгилувчан муносабат бидириши;
- давлатнинг ҳар фуқароси учун таълим олиш конституцион ҳуқуқининг амалга ошиши.

4.4. МТ истеъмолчиларининг ижтимоий гуруҳлари;

МТ ривожланиши қуйидаги ижтимоий гуруҳларга қаратилган:

- аньанавий тизимда таълим ола олмайдиган шахслар;
- Қуролли Кучлар сафидан кетаётган офицерлар ва уларнинг оила аъзолари;
- Қуролли Кучлар, ИИВ, ФВВ ва бошқа шунга ўхшаш тизимларда муддатли хизмат ўтаётган шахслар;
- меҳнат биржасида рўйхатдан ўтган, ишдан бўшатилган ва қисқартирилган фуқаролар;
- мамлакатнинг узоқ ҳудудларида ва кам ўзлаштирилган минтақаларида истиқомат қилувчи барча ёшдаги аҳоли;
- янги маълумот ёки иккинчи мутахассислик олиш учун ўқиш ҳоҳишини билдирган маълумотга эга мутахассислар;
- олий ўқув юртларига киришга тайёрланаётган шахслар;
- иккинчи паралел мутахассисликни ўрганмоқчи бўлган талабалар;
- доимий таълим олишда тиббий чекловларга эга бўлган ва тиббий стационарларда даволанаётган шахслар;
- минтақавий ҳукумат ва бошқарув идораларининг раҳбарлари;
- турли хил мулкчилик шаклдаги корхоналарда ишлаётган ҳар хил даражадаги менеджерлар;
- турли таълим муассасаларининг ўқитувчилари;
- таълим дастурини қисқа муддатда ўтишни хоҳлаётган иқтидорли талабалар;
- МДҲ давлатларининг қизиқиш билдирган фуқаролар тоифаси;
- аҳолининг бошқа қатламлари.

5. МТнинг СТРАТЕГИК УСТУВОРЛИГИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида МТ ривожланишидаги стратегик устувор йўналишлари қуйидагича:

- МТ ривожланишининг қисқа муддатли режасининг стратегик устувор йўналишлари;
- МТ ривожланишининг узоқ муддатли режаси устувор йўналишлари;

5.1. Қисқа муддатли режанинг стратегик устувор йўналишлари;

Ўзбекистон Республикасида МТ ривожланиш қисқа муддатли (2003-2005 йиллар) режасининг устувор йўналишлари қуйидагича:

- ўқитувчи ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- тюторларни тайёрлаш;
- аҳолининг кенг қатламларини компютер саводхонлигига эришиш;
- масофавий курсларни шакллантириш платформасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- олий ўқув юртларида МТ марказларининг моддий базасини мустаҳкамлаш;
- МТнинг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантириш (терминология ва тушунчалар, ташкил қилиш ва амалга ошириш, услуб ва моделлар, МТ технологиялари ва уларнинг чет элдаги аналоглар билан уйғунлашуви бўйича стандартларни ишлаб чиқиш, масофавий курсларни ва МТ ишторокчиларини баҳолаш ва сертификациялаш учун норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш).

5.2. Узоқ муддатли режанинг стратегик устувор йўналишлари

Ўзбекистон Республикасида МТ ривожланиш узоқ муддатли (2005-2010 йиллар) режасининг стратегик устувор йўналишлари қуйидагича:

- узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида тўлиқ ва сифатли масофавий таълим хизматларини кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикасининг барча минтақаларини МТ орқали қамраш;
- жаҳон таълим муҳитига киришни таъминлаш;
- таълим хизматларининг экспорти.

5.3. МТ ташкил этиш ва ривожланиш босқичлари:

МТ тизимининг базавий асосларини яратиш қуйидаги босқичларда амалга оширилиши мумкин:

Биринчи босқич (2003-2004 йиллар мобайнида):

- МТ тизимининг ташкилий тузилмасини барпо этиш;
- МТнинг меъёрий ҳуқуқий асослари ва стандартларини ишлаб чиқиш;
- МТни жорий этиш шароитларини ўрганишни мониторингини ўтказиш ва бу жараённи оптималлаштириш;
- МТ регионал ва олий таълим юртларидаги марказларининг моддий-техник базасини шакллантириш;
- масофавий курсларнинг дастлабки фондларини ташкил этиш ва уларни экспериментал жорий этилишини таъминлаш;
- МТ тизимини молиялаштириш асосларини ишлаб чиқиш;
- таълим муассасалари ўқитувчи ва мутахассисларининг малакасини ошириш, шунингдек мактаб ўқувчилари, талабалар ва кенг аҳоли қатламларининг компютер саводхонлигини оширишни таъминловчи МТнинг жорий этилишини пилот лойиҳаларини амалга ошириш;
- МТ бўйича ахборот ресурслари манбаларини барпо этиш.

Иккинчи босқич (2004-2005 йиллар):

- Олий ўқув муассасаларидаги МТ марказларининг моддий базасини мустаҳкамлаш;
- МТ самарадорлиги ва сифатини ошириш;
- МТ ахборот ресурслари манбаларини ривожлантириш ва кенгайтириш;
- интеллектуал мулк билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш;
- МТни иқтисодиётнинг турли соҳаларига сингдириш.

Учинчи босқич (2005-2010 йиллар):

- кундузги, сиртқи ҳамда экстернат таълим шаклларига тенглаштирилган даражада, масофавий таълимни кенг қўламда ёйиш ва сингдириш;
- МТ тизимининг юридик ва жисмоний шахсларини кўп каналли молиялаштиришни тизимини жорий этиш ҳамда таҳлил қилиш;
- компютер тармоқлари ва телекоммуникация инфратузилмалардан фойдаланганида, МТ тизимининг таркибий бўлинмалари (юридик ва жисмоний шахслар) учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;
- МТ муассасаларини лицензиялаш, аттестациялаш ва аккредитациялаш тизимини жорий этиш;
- Ўзбекистоннинг МТ тизимини жаҳон тизимига интеграцияси.

6. МТ МЕЪЁРИЙ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

МТ ҳуқуқий-норматив асосларини шакллантириш қуйидагиларни назарда тутади:

- МТ бўйича атамалар ва тушунчалар, услублар ва моделлар, технологиялар ҳамда МТнинг ташкил этиш ва ўтказиш стандартларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистоннинг МТ стандартларини хорижий стандартлар билан мувофиқлаштириш;
- масофавий курслар ва МТ қатнашчиларини баҳолаш ва сертификатташ бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- масофавий курслар ва уларнинг битирувчиларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш.

Масофавий курслар ва уларнинг битирувчиларининг ҳуқуқий мақоми, мутахассислик бўйича ҳужжатлар (дипломлар, сертификатлар)нинг тан олиниши мавжуд ҳуқуқий актларга зарур ўзгартиришлар ва тузатишлар киритилиши ва (ёки) янги ҳукумат қарорлари ва қонунларини ишлаб чиқиш орқали ўрнатилади.

Тўлиқ умумтаълим, ўрта махсус ва касбий таълим олган, шунингдек олий маълумотга (бакалавр ва/ёки магистр) эга бўлган иккинчи мутахассислик бўйича қайта тайёрлов курсларини МТ орқали ўтган шахсларга қонунчиликда белгиланган тарзда малака берилиб дипломлар топширилади.

Малакани ошириш бўйича масофавий курсларни маълум предмет бўйича муваффақиятли тамомлаган шахсларга тегишли кўринишдаги сертификат топширилади.

7. КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

- республиканинг олий ва ўрта махсус касбтаълим муассасаларидаги юқори малакали ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қондириш;
- ўқитувчилар ва мутахассислар малакасини оширишга қаратилган махсус МТ курсларини ташкил этиш;
- ўқувчилар, талабалар, ўқитувчилар ва бошқаларни компютер саводхонлигига эришиш;
- биринчи навбатда турли маҳаллий ва чет эл таълимот курсларига йўл очиш ҳамда ўқув жараёнига тажрибали, маҳаллий ва чет эл мутахассисларини жалб қилиш орқали таълимот сифатини ошириш;
- аҳолининг кенг қатламларини таълимот хизматларига бўлган талабини қондириш;
- қичик шаҳарлар ва аҳоли истиқомат қилувчи жойларда билимлилик даражасини кўтариш;
- таълим олувчининг ихтиёрига кўра битта таълим дастуридан иккинчига, битта ўқув юртидан бошқасига ўтиш, бир вақтда бир нечта, шу ҳисобда чет элдаги, ўқув юртларида ўқиш имкониятларини яратиб бериш;
- республикамизда унинг иқтисодий базасини мустаҳкамлаш мақсадида таълим хизматларини экспорт ва импорт қилиш механизмларини ривожлантириш;
- "Танланганларга таълимот"дан "Барчага таълимот"га ўтишни таъминлаш билан "бутун умр мобайнида" кўринишдаги узлуксиз таълимот тизимини амалга ошириш.

8. МТ ТИЗИМИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

МТ тизимини молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилади:

- грантлар асосида кадрларни тайёрлашга ажратиладиган бюджет маблағлари;
- бюджетдан ташқари, шу ҳисобда тўловконтракт асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакани оширишдан тушадиган маблағлар;
- масофавий ўқитиш ташкилотларининг қонунчиликка зид бўлмаган фаолиятидан тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар;
- халқаро грантлар маблағлари;
- хорижий сармоялар ва кредитлар;
- бошқа мақсадли тушумлар.

Мазкур концепция лойиҳаси бўйича таклиф ва мулоҳазаларингизни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига юборишингизни сўраймиз.

Маълумот учун телефон:

152-77-75; E-mail: oliy@uzsci.net

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ

АВТОМАТИЗИРОВАННАЯ ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНАЯ СИСТЕМА "AILS-NUU"

Принимая во внимание актуальность проблемы обеспечения студентов и преподавателей современными и эффективными средствами доступа к учебной и научной информации, в Национальном Университете Узбекистана была разработана Автоматизированная информационно-библиотечная система "AILS-NUU". Данная система предназначена для комплексной автоматизации библиотечных процессов, создания базы электронных версий учебников и конспектов лекций с использованием новейших информационных технологий. Обобщённая структурно-функциональная схема системы приведена ниже.

Использование в системе современных технологий и решений позволяет с единой позиции автоматизировать деятельность библиотечных работников, формировать базы данных электронных учебников, а также предоставлять библиотечные услуги по сети Интернета.

Как видно из структурно-функциональной схемы, система состоит из двух основных частей: ядро AILS и АРМ пользователей.

В ядро системы интегрированы следующие основные функции:

1. База электронных каталогов.
2. База данных полнотекстовых файлов и электронных учебников. В данной базе содержатся электронные версии книг.
3. База данных учёта. В данной базе хранится оперативная информация о выданной литературе и читателях, имеющих её на руках, о свободных экземплярах заказанной литературы.
4. База читателей. Содержит полную информацию о пользователях системы, включая делегированные им права.
5. Справочники, обеспечивающие быстрый поиск по любым элементам описания и их сочетаниям.



6. Модуль каталогизации, формирования полнотекстовых файлов и электронных учебников.
7. Модуль обработки запросов.
8. Модуль генерации текстового файла в международном формате UNIMARC, обеспечивающий полную совместимость с международным коммуникативным форматом UNIMARC.

В системе предусмотрены читатели двух типов: реальные и виртуальные.

Для работы в системе, как читателям, так и сотрудникам библиотеки необходимы элементарные навыки работы на компьютере в среде Windows и с приложением Internet Explorer (плюс Приложение сканирования и распознавания - для каталогизатора).

Предусмотрена возможность создания и ведения электронных каталогов, обработки литературы, печать стандартных выходных форм.

Система обладает средствами, обеспечивающими автоматизацию ввода в информационную базу АИБС отсканированной аннотации, оглавления и изображения обложки книги. Специальный программный модуль конвертирует формат Word в HTML формат. Библиотекарь имеет возможность просматривать текст как в формате Word, так и HTML. Аннотация и оглавление книги хранятся в формате HTML. Изображения хранятся в формате jpg или gif.

На базе "AILS-NUU" совместно с Министерством высшего и среднего специального образования была создана электронная учебная база конспектов лекций и учебников. В базу входят электронные каталоги, конспекты лекций на узбекском, русском и английском языках по отдельным курсам, читаемым в различных высших учебных заведениях Узбекистана, а также электронные учебники, позволяющие изучать материал в интерактивном режиме, и электронные версии учебников, содержащие статический материал. На данный момент в базе содержится более 2500 конспектов лекций и электронных учебников. Доступ к базе возможен как через локальную сеть, так и через Интернет. В данном случае читателю предоставляются следующие виды сервиса:

1. Просматривать через локальную сеть и Интернет электронный каталог конспектов лекций и книг с их аннотацией, оглавлением и изображением обложки книги.
2. Скачивать электронные версии книг и конспекты лекций на компьютер пользователя.
3. Формировать электронные заказы на выдачу литературы и отслеживать их исполнение через локальную сеть и Интернет.
4. Обсудить на Форуме книгу или конспект лекции.
5. Быстро найти необходимую книгу или конспект лекции по различным критериям: по названию, по автору, по тематике, по году издания и т.д.
6. Послать сообщение администратору базы.

Система реализована на платформе Windows 2000 Server. Приложения АРМ Администратор, Каталогизатор, Комплектатор, Библиотекарь, программный модуль генерации полей написан на среде Delphi 6, АРМ Читатель - на ColdFusion 5.0. В качестве СУБД используется MS SQL Server.

Система "AILS-NUU" проста в использовании. Достаточно элементарных навыков работы в системе Windows и в приложении Internet Explore. Внедрение данной системы в высших учебных заведениях позволяет расширить перечень предоставляемых библиотекой услуг и разгрузить её сотрудников при работе с посетителями. Она открывает новые возможности в поиске и получении учебной информации, а также в совершенствовании всего образовательного процесса.

А.МАРАХИМОВ
Национальный университет Узбекистана

АХБОРОТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича "Иқтисодиётда ахборотлар тизими", "Касбий-педагогик тайёргарлик", "Информатика ва ахборот технологиялари" каби йўналишларда юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда. 2002-2003 ўқув йилида ушбу йўналишлар бўйича жами 165 та мутахассис дипломга эга бўлди.

Қисқа вақт ичида яратилган йигирмадан зиёд электрон дарслик ва ўқув қўлланмалардан таълим жараёнида самарали фойдаланилмоқда. 2003 йили Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармалари биргаликда ўтказган "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти" республика танловида университет профессор-ўқитувчилари томонидан нашрдан чиқарилган "Ахборот тизимлари ва технологиялари" дарслиги фахрли биринчи ўринни олди.

Университет бир қатор хорижий олий ўқув юртлари жумладан, Монс политехника институти (Белгия), Москва Давлат статистика, информатика ва иқтисод университети, Бутунроссия сиртқи молия-иқтисод институти, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиялари билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Шунингдек, университетнинг "Иқтисодий информатика" кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан "Введение в информационные системы и технологии", "Электронная коммерция", "Введение в базы данных и знаний", "Технологии Интернет", "Введение в Интернет", "Ахборот-коммуникация технологиялари бозорининг шаклланиш тенденциялари" каби ўқув қўлланма ва монографиялар, "Ахборотлар технологияси" кафедрасида "Современные информационные технологии в экономике", "Управление информационными системами", "Использование компьютеров", "Информационные технологии и системы", "Методика преподавания курса Информатики" номли адабиётлар, "Ҳисоблаш техникаси" кафедрасида эса "Информатика", "Microsoft Windows операцион тизими тўғрисида асосий маълумотлар", "Замонавий шахсий компьютерлар асослари", "Защита документов и программ Microsoft Office от несанкционированного доступа", "Характеристика IBM PC и их программных средств" каби дарслик ҳамда ўқув қўлланмалар чоп этилди.

Айни пайтда университетимиз томонидан таклиф сифатида янги таълим йўналишларини очиш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига хат билан мурожаат қилинган. Унга кўра, "Иқтисодий кибернетика" кафедраси қошида "Электрон тижорат" (шифри 341200), "Ҳисоблаш техникаси" кафедрасида "Ахборот хавфсизлиги" (шифри 523000) таълим йўналишларини очиш ва ҳар икки йўналиш бўйича 2004/2005 ўқув йилида 30 нафардан талаба қабул қилиш кўзда тутилган.

Университетнинг «Информатика, менежмент ва иқтисодий таълим педагогикаси» факул-тети қошидаги «Ёш тадқиқотчилар марказ»и томонидан ўтказилаётган «Ахборот технологиялари соҳасидаги энг яхши маҳсулот» республика танловида иштирок этиш учун қуйидаги дастурий маҳсулот ва адабиётлар тақдим этилди:

1. Иқтисодий информатика фани бўйича электрон дарслик.
2. «Е-тест» автоматлаштирилган тест тизими.
3. «Е-мақола» тизими.
4. «Ўзбегим" Веб-сайти.
5. Ахборот тизимлари ва технологиялари фанидан дарслик.
6. «Введение в информационные технологии и системы» ўқув дарслиги.

Университетда дарсларни ўтиш жараёнида компютер техникаларидан фойдаланиш учун етарли даражадаги ахборот инфратузилмаси ҳамда виртуал кутубхона, маъруза матнларининг электрон шакллари жамғармаси яратилган. Шунингдек, университет 42 та — XT088, 10 та — 386SX, 48 та — 486DX100, 586DX133, 82та — Pentium I, 134 та — Pentium II, 7 та — Pentium III русумли компютерлар базасига эга. Бундан ташқари, 13 та локал тармоқ ва 67 та иш ўрни Интернет тармоғига уланган.

Талабалар учун "Интернет-кафе" ишлаб турибди. Электрон дарсликлар яратиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. "Ахбо-ротлар технологияси ва масофадан ўқитиш" маркази ўқув жараёнини ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаб бермоқда.

Р. АЛИМОВ,
ТДИУ ректори

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил, 30 майдаги "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил, 6 июндаги "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида университетимизда қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, университетимизда Ахборот ва компютер технологиялари институти ташкил этилди ва унинг таркибига 9та кафедрани бирлаштирган Электроника ва автоматика факултети ҳамда 5та кафедрадан иборат Компютер технологиялари факултети киритилди. Бу ерда кремний асосида қуёш элементларини тайёрлаш бўйича технологик тизим мавжуд (Физикавий электроника ва микроэлектрон ускуналар кафедраси асосида). Институтда ўқув жараёнини замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил этиш, дастур маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш мақсадида ахборот технологиялари маркази ташкил этилган.

Университетда замонавий видеоконференц-жиҳозлар билан таъминланган масофавий ўқитиш маркази ҳамда машҳур Siemens компаниясининг моддий кўмаги билан ташкил этилган иккита замонавий илмий-ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда. Бу марказларда ўқув ва илмий лойиҳалар бажарилади ҳамда саноат электроникаси ва автоматлаштириш йўналишлари бўйича мутахассисларнинг малакасини ошириш, тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш ишлари олиб борилади.

Охирги йилларда замонавий ахборот технологиялари ҳамда дастур маҳсулотларини яратишга ихтисослашган бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини ҳамда улардаги талабаларни тайёрлашни ҳам сифат, ҳам сон жиҳатдан кўпайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Компютер технологиялари факултетида мавжуд 2та бакалавр йўналиши (Информатика ва ахборот технологиялари; Касбий таълим) ва 3та магистратура мутахассисликларига (Ҳисоблаш машиналари, комплекслари, тизимлари ва тармоқлари; Ҳисоблаш машиналари, комплекслари, тизимлари ва тармоқларини математик дастурий таъминлаш; Бошқариш ва ахборотларни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизимлари) қўшимча яна 2та — Ахборот хавфсизлиги; Робот-техник тизим ва комплексларни бошқариш мутахассислиги очилди. Бу йўналиш ва мутахассисликларда талабалар сонининг йиллар бўйича ўсиш динамикаси 16-18 фоизни ташкил этади.

Факултетда иқтидорли талабалар учун гуруҳлари ташкил этилди. Улар биринчи ва иккинчи курсларда математика, физика, кимё ҳамда информатика фанларини инглиз тилида ўқийдилар. Учинчи курсдан эса фақат етакчи йўналиш фанларини инглиз тилида ўқитиш ташкил этилган.

Университетда ўқитиладиган фанларнинг 400дан зиёдининг электрон шакли йиғиб олинган, шундан 188таси университетимиз кутубхонасига ва Ўзбекистон Миллий университети виртуал кутубхонасига тоширилган, 40та фанлардан электрон ўқув қўлланмаси, 200дан ортиқ виртуал стенд ва лабораториялар яратилган. Университет кутубхонасидаги 16 мингдан ортиқ адабиётларнинг электрон каталогига локал тармоқ орқали мурожаат қилиш мумкин.

Университетда "Internet/Intranet технологияга асосланган масофавий ўқитиш тизимининг e-Saboq платформаси" дастур маҳсулоти яратилди ва у ўқув жараёнида 2001 йилдан бошлаб фаол равишда қўлланила бошланди. Бу платформа профессор-ўқитувчиларга маъруза матнларини электрон кўринишга ўтказишда ва ундан олий ўқув юртининг локал ҳисоблаш тармоғида (Intranet) ёки умуман Internet тизимида фойдаланишда қулай имкониятлар яратади. Платформадан Интернет орқали нафақат талаба ҳамда ўқитувчилар, балки бошқа хоҳловчилар ҳам ихтиёрий фойдаланишлари мумкин. Дунёнинг ривожланган давлатларида масофавий ўқитишнинг бу иккинчи технологияси кенг қўлланилиб, фойдаланувчиларнинг янги мутахассислик олишларида ҳамда малакаларини оширишларида катта имкониятлар очиб бермоқда. Ҳозирги вақтда ушбу платформада 30дан ортиқ масофавий ўқитиш курслари ва виртуал тажриба ишлари жойлаштирилган ва улардан исталган ҳудуддан туриб фойдаланса бўлади.

e-Saboq масофавий ўқитиш платформаси доирасида олинган барча натижалар, шу жумладан, e-Saboq масофавий ўқитиш платформаси, яъни масофавий ўқитиш курсларини яратиш учун мўлжалланган дастур маҳсулоти барча олий таълим муассасаларига электрон вариантда CD-дисклар да бепул тарқатилди.

ТошДТУнинг талабаси Одил Никадамбаев Интернет тармоғидан ахборотларни йиғиш "e-Collektor" тизимини яратди. Тизим маълум даврийликда белгиланган веб-саҳифаларни янги ахборот борлигини текширади ва уни умумий маълумотлар базасига жойлаштиради. Шакилланган маълумотлар базасига мурожаат ташкилотнинг локал тармоғи ёки Интернет орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтида 2002 йилнинг июл ойидан қўлланилиб келинаётган бу тизим Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш Мувофиқлаштирувчи Кенгаши қарорига асосан кенг фойдаланишга тавсия этилди. Тизимдан ҳозирги пайтда ўндан зиёд вазирлик ва йирик ташкилотлар фойдаланишмоқда.

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ: ЮТУҚ ВА РЕЖАЛАР

ТошДТУда ректорат, деканат, кафедралар ва университет бўлинмалари орасидаги ҳужжатларнинг электрон алмашувини ташкил этиш мақсадида Компютер технологиялари факултети ўқитувчилари ва талабалари томонидан "e-University" автоматлаштирилган тизими яратилди. Тизим айни ҳамда университет факултетларида синовдан ўтказилмоқда.

Шунингдек, НАТО дойиҳаси бўйича университет ичи бинолари оптик-толали кабел асосида ягона локал тармоққа бирлаштирилди. Локал тармоқни яратишга сарфланган ташқи инвестиция ҳажми 22 минг АКШ долларини ташкил этади. Университетнинг барча факультетлари Интернет тармоғига уланган. Интернетга уланган компютерлар сони 280тага, ташқи алоқа каналининг тезлиги эса 512 Кбит/сек. гачаетказилди. Жорий ўқув йилидан ахборот ва компютер технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрловчи Компютер технологиялари ҳамда Электроника ва автоматика факультетларида Олий таълим вазирлиги томонидан аҳратилган иккита замонавий мултимедиа синфи ташкил этилди.

Яқинда университетда компютер тармоқлари учун дастурий иловалар, реклама роликлари, тақдимот материаллари, веб-саҳифалар, иш юритиш ва ишлаб чиқариш жараёнлари, дастурий воситалар, илмий текшириш жараёнларини автоматлаштириш учун дастурлар, мавжуд дастурий воситаларни замонавий талабларга жавоб берадиган даражада мукаммаллаштириш ва янгиларини яратиш соҳасида ишлар олиб бориш мақсадида "Ёш дастурчилар" илмий маркази ташкил этилди. Марказ таркибида 5та илмий гуруҳ бўлиб, унда аспирантлар ва иқтидорли талабалар билан биргаликда университетнинг илмий ходимлари ҳам фаолият кўрсатмоқдалар.

Айни вақтда университетимизда замонавий ахборот технологиялари бўйича жаҳонда эришилган сўнгги ютуқлардан таълим жараёнида фойдаланиш хусусида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

К.НОРҚУЛОВА,
ТошДТУ проректори

АКТ – ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТИ

Таълим жараёнларига ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)ни кенг жорий этиш мақсадида Тошкент Давлат педагогика университетида "Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази" ташкил қилинган. Марказ томонидан ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш тизимини таълим жараёнига киритиш, электрон адабиётлар ҳамда ахборот тизимлари ва электрон кутубхоналар яратиш борасида маълум ишлар олиб борилмоқда. Университетда ахборот технологияларини таълим тизимига жорий этишнинг аҳамияти инобатга олиниб, "Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази"нинг ҳар бир ходимига университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан юз фоиз қўшимча ойлик маош тўланмоқда.

Университетнинг мавжуд 404та замонавий компютерлари талабаларга таълим беришда хизмат қилмоқда. Марказда замонавий Pentium III ва IV компютерларидан иборат 9та ўқув хоналари мавжуд бўлиб, улардан университет ўқув ишларида кенг тарзда фойдаланилмоқда. Очиқ Жамият Институти (Сорос фонди)нинг грантлари асосида "Интернет технологиялари ўқув-маслаҳат маркази" ташкил қилинган бўлиб, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар мазкур Марказ хизматларидан фойдаланмоқдалар. Интернет тизимидан ўзларининг соҳаларига оид янгиликларни олишлари учун уларга барча шароитлар яратилган.

2002-2003 ўқув йилидан бошлаб информатика фани билан бир қаторда бошқа (иқтимоий, табиий, умумкасбий ва махсус) фанларни ҳам замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитишни ташкил қилиш мақсадида университетнинг еттита ўқув биносида мултимедиа таъминотига эга ахборот технологиялари марказининг ягона локал тармоқ орқали боғланган тўққизта филиали ташкил қилинди. Ҳар бир филиалда дарсларни замонавий технологиялар асосида ўтиш учун барча қулайликлар (компютерлар, сканерлар, принтерлар, проекторлар, веб-камералар) мавжуд. Улар фанларга оид электрон дарсликлар билан таъминланган бўлиб, университетнинг локал тармоғига уланган ҳар бир компютер орқали Интернетга чиқиш имконияти яратилган (ҳозирда 134та компютер орқали Интернетга уланиш мумкин). Локал тармоқ барча проректорлар, ўқув бўлими, ходимлар ҳамда маркетинг бўлимлари, доимий фаолият кўрсатувчи қабул комиссияси, университет кутубхонасини боғлаб туради. Физика-математика, касб таълими, табиий фанлар факультетлари ва магистратура бўлимидаги Ахборот технологиялари марказларида дарсларни замонавий технологиялар асосида намунали ташкил этишга ҳаракат қилинмоқда. Бу Марказларда дарс ўргатувчи компютер дастурлари Интернетдан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Университетда республикамизда биринчилардан бўлиб ташкил этилган видеоконференцзал замонавий технологиялар асосида жиҳозланди. ГулДУ, БухТИ, БухООЕСТИ ва АндМИИ каби олий ўқув юртлари билан мазкур зал воситалари ёрдамида анжуманлар ўтказилди. Ўқитувчилар малакасини оширишда, марказий (таянч) олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик салоҳиятидан вилоят олий ўқув юртлари баҳраманд бўлишларида видеоконференция тизимининг тутган ўрни юқори эканлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Бу тизим орқали масофавий ўқитиш тизимини такомиллаштириш имкониятлари яратилган. Бундан ташқари, ривожланган мамлакатлар таълим тизимидаги янгиликлар билан яқиндан танишиш, у ердаги етук мутахассисларнинг маърузаларини масофадан туриб тинглаш ва мунозараларни ташкил этишда видеоконференция тизими иқтисодий жиҳатдан тежамкорлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Университетнинг Интернетдаги сайти яратилди (ўзбек, инглиз, рус тилларида) ва унинг масофавий ўқитиш курслари, масофавий ўқитиш Маркази, университет янгиликлари ҳақидаги ахборотлар билан доимий янгиланишини таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, университет сайтига фанларнинг дастурлари, ўқув режалар, Инновацион технологиялар маркази реклама режаси, қабул комиссияси фаолияти, талабалар ҳаёти, таълим жараёни, факультетлар, бакалавриат ва магистратура, академик лицей, бизнес марказ маълумотлари ҳақида, маъруза матнлари, масофавий ўқитиш курслари, On line тестлари жойлаштирилган. Умумтаълим фанлари ўқитувчиларининг малака оширишларида ушбу сайтдан кенг фойдаланилмоқда. Университетда электрон адабиётларни яратиш жараёни ҳам жадаллик билан амалга оширилмоқда. 2002-2003 йиллар мобайнида 30та электрон адабиёт яратилди. Интернетдан олинган 20га яқин турли фанлардан ўргатувчи компютер дастурлари таълим жараёнида фойдаланиш учун тайёрланмоқда. Университетда ўқитилаётган 350дан ортиқ фанларнинг маърузалар матни электрон шаклга ўтказилди. Ҳозирда кутубхонадаги 174дан ортиқ электрон дарслик ва қўлланмалардан профессор-ўқитувчилар ва талабалар фойдаланиб келишмоқда. Электрон кутубхонани яратиш ишлари ҳам ниҳоясига етай деб қолди.

Профессор-ўқитувчиларимиз таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Айни пайтда университетимизда Фан ва технологиялар марказининг "Физика ва астрономияни ўқитишга янги ахборот технологияларини жорий этиш", "Физикадан давлат тилидаги янги дарсликлар авлодини тайёрлаш", "Физика ва астрономия бўйича ўқув-услубий электрон мажмуасини яратиш" мавзуларидаги янги ахборот технологияларига оид инновацион лойиҳалар бажарилмоқда. Мазкур лойиҳалар асосида тайёрланган ўқув-электрон мажмуа таълим соҳасига татбиқ қилинмоқда.

Таълим тизимида ахборот технологиялари ва Интернетдан фойдаланиш ўқитиш сифатини янада юқори кўтаришга замин яратади. Замонавий билимларга эга бўлган ёшларни тайёрлаш "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида кўрсатилган вазифаларнинг асосий мақсадидир. Бу эса юқори малакали кадрлар тайёрлаш манбаи — олий ўқув юрти олдига масъулиятли вазифаларни қўяди.

Б.ҚОДИРОВ,
ТДПУ ректори
У.БЕГИМҚУЛОВ,
ТДПУ проректори

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ

МУЛТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТУТГАН ЎРНИ

Ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) ривожланиши билан республикамизда кейинги ўн йил ичида мултимедиа воситаларидан таълим соҳасида жуда кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, электрон дарсликлар яратиш, ўқув машғулотларини компютерлаштирилган дастурлар асосида олиб бориш давр талабига айланиб қолмоқда.

Ўқув жараёнига мултимедиа воситаларининг татбиқ қилиниши билан биринни навбатда компютер технологиялари ва жаҳон ахборот тизимларидан кенг фойдалана оладиган мутахассислар тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар бажараётган ишнинг сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш, талабаларнинг янги мавзуни ўзлаштириш даражасини ҳамда уларда ўқитилаётган соҳага нисбатан қизиқишни кучайтириш, шунингдек, ўқитилаётган мавзунинг кўргазмали шаклда бўлишини таъминлаш сингари вазифаларни амалга ошириш имкониятига эга бўлинади.

Бугунги кунда таълим соҳасига АКТни татбиқ қилишда, шу жумладан, мултимедиа воситаларидан фойдаланишда қуйидаги асосий омилларга эътибор қаратилиши ва улар қатъий амалга оширилиши керак:

- Ўқув юртининг замонавий компютер техникаси билан таъминланганлиги;
- барча компютерларни бирлаштирувчи локал тармоқнинг мавжудлиги;
- профессор-ўқитувчилар ва талабалар компютер саводхонлигининг юқорилиги;
- юқори тезликда ишлайдиган Интернет тизимига уланиш;
- илмий ва маъмурий дастурлар билан таъминланганлиги;
- ўқув юртида мултимедиа воситаларининг мавжудлиги.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилиш учун бугунги кунда Самарқанд Давлат университетида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, биринни навбатда кучли компютерлар базаси ташкил этилди. Ҳозирда бу ерда ҳар юз нафар талабага 10та компютер тўғри келмоқда. Университетнинг ягона локал тармоғида Интернет тизимида мунтазам ишлаш имконияти ҳамда барча биноларини бир-бири билан боғловчи оптик алоқа турига ва радиоизернетга асосланган тармоқ яратилган. Локал тармоқ учун Интернет тизимида маълумотлар узатиш ва қабул қилиш тезлиги 2 Мбит/с га етказилган. Айни вақтда бу тармоқда 300дан ортиқ компютер ишлаб турибди. Тармоқ орқали университетнинг электрон кутубхонасидан, талабалар тўғрисидаги маълумотлар базасидан, ҳужжатлар ва бошқа шу каби маълумотлар базаларидан бемалол фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ўқув жараёнига татбиқ қилинаётган электрон дарсликларни намойиш қилиш учун беш дона видеопроектор ва экран, видеоконференциялар ўтказиш учун иккита комплект тўлиқ асбоб-ускуналар ҳамда маърузани учун бир дона зарур техника (лектор комплекс) мавжуд. Бундан ташқари, мултимедиа воситаларини тайёрлаш учун университет ходимлари томонидан дастурлар ҳам тайёрланган.

Мултимедиа воситаларидан фойдаланиш бўйича университетда ўзига хос таълим платформаси яратилмоқда, десак муболаға бўлмайди. Яъни, университетнинг иккинчи поғонали доменга асосланган динамик www.samdu.uz веб-саҳифасида электрон дарсликлар учун жой ажратилган ва бу ерда етакчи профессор-ўқитувчиларимизнинг мултимедиали ҳамда оддий электрон дарсликлари жойлаштирилган. Айни вақтда улардан талабалар университет локал тармоғининг исталган жойидан туриб фойдаланишмоқда.

Масофали таълимни амалга оширишнинг асосий омилларидан бири ўқув дарсликлари ва қўлланмалари муаммосини ҳал қилишдир. Бунинг учун университетда мултимедиали электрон дарсликларни яратишга мўлжалланган махсус бўлим ташкил этилган ва бу бўлим барча замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Мултимедиа воситаларини ўқув жараёнида қўллашнинг самарадорлигини ошириш учун биринни навбатда у қандай дарслик асосида яратилаётганлигига эътибор қаратиш керак. Бу нафақат унинг сифатини белгилайди, балки талабалар томонидан ҳам яхши қабул қилинади. Шунинг учун ҳам университетда бу соҳага етакчи профессор-ўқитувчилар жалб қилинмоқда. Айни кунда бўлим томонидан биология йўналиши бўйича 40га яқин мултимедиали дарслик яратилди. Ҳозирда тайёрланган 100дан ортиқ электрон дарсликлар, 50га яқин мультимедиали электрон дарсликлар ҳамда 20га яқин виртуал стендлар юқорида айтиб ўтилган воситалар ёрдамида ўқув жараёнига татбиқ қилинмоқда.



Шуни айтиб ўтиш жоизки, бу соҳадаги билимларни янада ошириш мақсадида республика олий ўқув юртлари ўртасида мукаммал тажриба алмашишни йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун университетимизда ҳам бир қанча семинар ва конференциялар ташкил қилинмоқда. Масалан, "Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим тизимига информацион технологиялар ва масофали таълимни татбиқ қилиш" (2002 йил, 5 июн) муаммоларига бағишланган ҳамда вилоят, шаҳар халқ таълими бўлимлари билан ҳамкорликда "Янги педагогик ва ахборот технологияларидан ўрта ва олий таълимда фойдаланишнинг аҳамияти ва воситалари" (2003 йил, 11 январ) мавзусидаги семинарлар, Самарқанд Давлат университети ва Тошкент Давлат техника университети ўртасида "Таълим соҳасида мултимедиали электрон дарсликларнинг тутган ўрни" мавзусидаги ва Гамбургдаги мутахассислар ҳамда Тошкент Давлат педагогика университети билан ўтказилган видеоконференциялар шулар жумласидандир.

Хуллас, Самарқанд Давлат университетининг бу соҳада олиб борган иш тажрибасига асосланиб шуни айтиш мумкинки, АКТни таълим жараёнига татбиқ қилишда эришилган ютуқлардан ташқари, ҳали ечими топилиши керак бўлган муаммолар ҳам бор. Жумладан, ахборотни сақлаш, ишлаш ва узатиш вақтида унинг яхлитлигини сақлаш, фойдаланувчилар уни ўз ваколатлари доирасида олишларини таъминлаш, ўқув жараёнига мултимедиа воситаларини қўллашда маълумотларни ҳимоялаш, шунингдек, республикамиз ўқув юртлари ўртасида яратилиши режалаштирилган локал тармоқни маълумотлар базаси билан тўлдириш, мавжуд тажрибаларга асосланиб намунавий маълумотлар базасини яратиш ва шу асосда уни бошқа ўқув юртларига тақдим этиш ҳамда тайёрланаётган барча мултимедиали электрон дарсликларнинг қўйилган талабларга жавоб беришини назорат қилиш ва яратилган адабиётни намунавий дарслик сифатида танлаб олиш каби масалалар бугунги куннинг долзарб муаммоларидир. Бу муаммоларни ҳал қилишда республикамиздаги барча шу соҳа мутахассислари биргаликда иш олиб боришса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

У.ТОШКЕНБОЕВ,
С.МАТЛАБОВ,
Самарқанд Давлат университети

ТЎЛИҚ АХБОРОТ ТИЗИМИ ЯРАТИЛДИ

Гулистон Давлат университети жамоаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури вазифаларидан келиб чиққан ҳолда 1999 йилдан бошлаб замонавий университет моделини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Шу мақсадда қуйидаги йўналишдаги ишлар амалга оширилди:

- Университетнинг компютерлаштириш ва замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2000 йили тўлиқ ишга туширилди. Асосий ўқув биносида 196 нуқтага, қолган иккита ўқув биносида эса 49та нуқтага локал компютер тармоғи уланиб, ўқув бинолари ўртасида ахборот бериш ва олиш учун радиоантенналар ўрнатилди;
- масофадан ўқитишга мўлжалланган 120 ўринли видеоконференция зали ва тўртта ўқув хонаси тўла жиҳозланди;
- университет қошидаги Гулистон академик лицейининг бир хонаси масофадан ўқитишга мослаштириб жиҳозланди ва университет локал тармоғига уланди.

Шунингдек, университет таълим жараёнларига АКТни кенг жорий этиш мақсадида алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва қуйидаги ишлар бажарилди:

- университетнинг веб-саҳифасини яратиш бўйича ижодий гуруҳ тузилди ва веб-саҳифа "Интал Телеком" провайдери порталига guldu.ilm.uz манзили орқали жойлаштирилиб, ҳозирда такомиллаштирилмоқда;
- асосий бинодаги кутубхонанинг ўқув залида Интернет янгиликларини ифодаловчи деворий бурчак ташкил этилди;
- кафедра мудирлари, деканлар ва университет масъул ходимларининг электрон манзиллари рўйхати яратилди;
- ТошДПУ, ҚаршиДУ, ТЮИ, Қарши ва Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтлари билан ҳамкорликда ойига икки марта ахборот технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш ва бошқа турли масалаларга бағишланган видеоконференцияларни ўтказиш режаси тузилди ва амалга ошириб борилмоқда;
- барча профессор-ўқитувчилар ва ходимлар тўрт босқичли махсус компютер курсларида малакаларини ошириб, Интернетда бемалол ишлашга эришдилар;
- ўқув бўлими базасида ўқитиш жараёнини масофадан туриб назорат қилиш техник маркази ташкил қилинди.

Ҳозирги кунда университетда тўлиқ ахборот тизими яратилди. Мавжуд олтита факултет, 23та кафедра, барча бўлимлар, кутубхона ва ўқув-ёрдамчи тармоқлардаги компютерлар ва компютер синфлари ягона локал тармоққа уланди. Университетдаги барча компютерларнинг ажратилган линия бўйича 128 Кб/с тезликда Интернетга боғланиши таъминланди.

Университетда ахборот технологиялари бўйича илмий ходимлар тайёрлаш мақсадида 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб "Амалий математика ва ахборот технологиялари" (5А480103) мутахассислиги бўйича магистратура очилди ва магистрантлар қабул қилинди. Шу билан бирга, университет ўқув адабиётларининг электрон нусхаларини яратиш мақсадида мутахассислардан иборат ижодий гуруҳ тузилиб, мавжуд 319та ўқув фанлари бўйича тайёрланган маъруза матнларининг электрон вербал вариантлари яратилди ва ички локал тармоқ серверига, 250 дан ортиқ ўқув адабиётлари эса сканер орқали марказий серверга жойлаштирилди. Айни дамда улардан ўқув-тарбия жараёнида кенг фойдаланилмоқда.

Инглиз тилини компютер ёрдамида мустақил ва жадал равишда ўрганишга қаратилган 1200 соатлик "ЭДЮСОФТ" дастури олинди. Бу дастурдан "Тил ўргатиш маркази"да ташкил этилган курсларда ва инглиз тили дарсларида самарали фойдаланиб келинмоқда.

Электрон дарсликларни тайёрлаш учун эса "LEKTOR" дастури олиниб, фанлар бўйича электрон мултимедиа дарсликлари тайёрланмоқда.

Ўқув кутубхонасини автоматлаштирувчи электрон каталог ҳамда талабаларнинг фанларни мустақил ўзлаштириш даражасини аниқлаш дастурлари яратилди. Бу дастурлардан ўқув жараёнини автоматлаштиришда кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

Университет 2002 йилда EDNET халқаро ахборотлар тармоғига аъзо бўлди.

А.ПАРПИЕВ,
ГулДУ ректори

ТЕЛЕДАСТУРЛАР — 23—29 феврал учун TV I, TV II, TV III, TV IV, ОРТ, РТР, НТВ

ДУШАНБА, 23

"Ўзбекистон" телеканали TV I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.45 "Таҳлилнома".
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 "Жиловланмаган Африка". Ҳужжатли телесериал.
9.40 "Таълим ва тараққиёт".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
11.30 "Туркистон" камер оркестрининг концерти.
11.45 "Нурли манзиллар".
12.05 "Фантадром". Мультфильм.
12.35, 14.50 ТВ-анонс.
12.40 "Кўрсатувдан-кўрсатувга".
13.00 "Шов-шув". Телесериал.
13.50 ТВ клип.
14.10 "Иқтидор". Телеўйин.
14.55 Кундузги сеанс: "Кўк куш". Бадиий фильм.
16.30 Мусиқий танаффус.
16.40 "Қалб гавҳари".
"Болалар сайёраси":
17.00 1. "Ака-ука Гримм эртаклари". Мультсериал.
2. "Олтин тож". Телевизион ўйин.
18.10 "Истеъдод".
18.30 "Мулкдор".
18.45 "Куч - билим ва тафаккурда".
19.00 "Бахтли воқеа". Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 2004 йил .- Меҳр ва мурувват йили. "Ҳиммат".
21.25 ТВ-клип.
21.305 "Умидбахш кун". Видеофильм.
22.020 "Амадеус". Бадиий фильм. 1-қисм.
23.30 "Ахборот-дайжест".
